БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 20 февраль Сешанба
№ 35 (13. 471).
Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ •

Сессия кундалиги

ҚАЙТА ҚУРИШНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

Янги парламентимизда бўлаётган воқеаларни кўра била туриб, «қуруқ гапдан бошқа ҳеч нарса эмас» дейдиган кишилар ҳали ҳам борлиги ажаблантиради. Бу ё сиёсий кўрлик, ёки соғлом фикрга қасддан тазйиқ ўтказишга уринишдир. Олий Совет халқимизнинг кўз ўнгида қайта қуришнинг жуда катта жадаллаштирувчи омили бўлиб қолаётганлиги ҳаммага аён-ку.

Парламентнинг учинчи сессияси — ҳуқуқий давлат сари, инсонпарвар, демократик социализм сари қилинаётган ҳаракатнинг яна бир босқичи бўлди. Гап фақат мамлакатимизнинг турмуш кечириши учун асосий қонун лойиҳаларининг бутун бир мажмуини муҳокама қилишдагина эмас. Биз бу ишга анчадан бери тайёргарлик кўрган, шунга яқинлашиб келган эдик. Ўзгартиришлар чоғида сиёсий масалалар пайдо бўлди. Улар жуда долзарб бўлиб қолмоқда. Бу ўринда энг аввало бутун дунёда катта қизиқиш билан кутиб олинган ғоя ҳақида — СССРда президент ҳокимияти муассасасини таъсис этиш ғояси ҳақида айтиш керак.

Агар эслайдиган бўлсак, бу дадил фикрни илк бор бошлиқлар эмас, балки КПСС Марказий Комитетининг 1990 йил февраль Пленумига қадар оддий одамлар айтишган, ушбу фикр Марказий Комитетнинг партия XXVIII съездига ҳаракат дастури матнига алоҳида сатрларда зикр этилганди. Қонун чиқарувчиларга келганда эса, уларнинг баъзилари, жумладан регионлараро группаларнинг депутатлари анчадан бери президент ҳокимияти жорий этилишини талаб қилишаётганди. Хўш бу нима эди — сиёсий етукликми, олдиндан кўп нарсаларни кўра билишми? Ушбу группа раҳбарларининг ақли-заковатини ҳам, воқеалар ривожини олдиндан кўра олишларини ҳам рад этиш қийин бўлса керак. Улар президент ҳокимиятини энг аввало ўзларининг узоққа мўлжалланган сиёсий мақсадлари билан боғлаган эдилар. Қандай бўлмасин, СССР Олий Советининг аъзолари ўртага қўйилган таклифга нисбатан ўз муносабатларини аниқлаб олишлари керак эди. Бу таклиф халқ орасида бўлганидек, бир хил қабул қилинмади, лекин баҳсларда, фикрлар курашида қонун чиқарувчиларнинг аксарияти кўпчилиги ҳозирги сессияда СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари съездини чақириш имконияти тўғрисидаги масалани муҳокама қилиш кераклигини айтишди. СССР халқ депутатларининг фавқулодда съездигина ички ларзалардан тўлиққан мамлакатимизда президент бўлиши керакми ёки бўлиши керак эмасми, деган масалани ҳал қилиш ҳуқуқига эга.

Сессия ишидаги фақат битта жиҳатни, ушбу масала муҳокама қилинаётган пайтда М. С. Горбачев тутган йўлни тилга олишни хоҳлардим. Назаримизда, у мунозара чоғида депутатларнинг бири сўзга чиқиб, мамлакатимизда бошқарувнинг президент шаклини таъсис этиш ғоясига қандайдир шубҳа билан қараб, уни «идоравий ўйинлар» билан бевосита боғлаганлигига қизғин, ҳаяжон билан луқма ташлаб, ўз муносабатини билдирди. СССР Олий Советининг Раиси бунга мамлакатимизда юзага келган вазият, ҳаётнинг ўзи мажбур этаётганлигини ва президентлик ўрни шахсан унга эмас, балки аҳвол тобора беқарорлашиб бораётган вазиятда энди яшай олиши мумкин бўлмаган давлатимиз учун зарурлигини залга дадил айтди.

Ахир, бу сабот-матонат юзага келаётган сиёсий вазиятга ленинчасига ўз вақтида муносабат билдириш санъатини эгаллаб олишнинг намунаси эмас-ми? Лениннинг «ҳозирги пайтга» қай даражада эҳтиросли равишда даъват этганлигини эслайлик: бугун ҳали вақт бор, эртага эса кеч бўлади. Кўп депутатлар президент тўғрисидаги масалани муҳокама қилиш чоғида мазкур масалани кечиктирмай ҳал этиш зарурлиги ҳақидаги таклифни қўллаб-қувватладилар.

Мунозаралар чоғида ҳаммага яхши таниш бўлган латвиялик депутат В. И. Алкснис ва нисбатан кам таниш бўлган қирғизистонлик депутат Г. А. Комаров бошчилигида «Иттифоқ» деб аталган депутатлар группаси тузилганлиги тўғрисида айтилган хабарни мамлакатимиз жамоатчилиги пайқаган бўлса керак, деб ўйлаймиз. Группанинг сиёсий мақсадларини фақат табриклаш мумкин. Федератив тузумни, СССРнинг яхлит давлатлигини сақлаб қолиш учун кураш, ажралиб чиқиш, миллатчилик ва шовинизмга қаршилик кўрсатиш шу группанинг асосий мақсадларидандир.

Ҳозир парламентда сиёсий мақсадлари ва манфаатлари жиҳатидан аниқ шаклланган учта — «Аграрчилар», «Регионлараро ҳаракат қилувчилар» ва «Иттифоқдошлар» бирлашмалари бор. «Иттифоқдошлар» бошқа парламент группаларининг ҳаммаси билан кенг кўламда ва амалий ҳамкорлик қилишга тайёр эканликларини қатъий равишда айтдилар. Нима ҳам дердик, куч-ғайратларни бирлаштириш учун керагидан ҳам кўпроқ сабаблар бор. Мамлакатимиздаги муҳитнинг ўзи, шу жумладан депутатларнинг фикрлари уюшишни талаб қилмоқда.

Ҳар бир сессия халқ депутатидан жуда катта масъулиятни талаб қилади, бинобарин, ҳозирги сессия бу жиҳатдан аввалги барча сессиялардан ўтиб тушаётгандек туюлмоқда. Бутун бошли жуда муҳим, асосли қонунларни қабул қилишнинг ўзи бўладими? Бундай қонунларсиз қайта қуриш йўлидан янада олға силжишни тасаввур этиш мумкин эмас. СССРда мулкчилик тўғрисидаги ва ер тўғрисидаги қонунлар уларнинг энг асосийларидир. Ушбу қонунларнинг лойиҳалари юзасидан қандай музокаралар бўлганлиги яхши маълум, назаримизда қизиқарли бўлган баъзи жиҳатларнигина эслатиб ўтишни хоҳлардик.

Депутатлар мамлакатимиз учун оғир бўлган шу даврда ижроия ҳокимиятга ёрдам беришни жуда хоҳлашмоқда — бу бизнинг кузатувлардан чиқарган хулосаларимиздан бири. Маълумки, бундай манзарани ҳар доим ҳам кузата олмаган эдик. Қонун чиқарувчилар минбарга чиқишдан олдин у ёки бу қонун лойиҳасини ҳимоя қилиб, ҳукумат вакилларига қай даражада ишончсизлик билан саволлар беришганини эслайлик. Масалан, бу гал мулк тўғрисидаги қонун лойиҳаси бўйича докладчига босиқлик билан, осойишталик билан нисбатан кам саволлар берилди. Эҳтимол, эндиликда ажойиб мунозарачи сифатида таниганимиз Л. И. Абалкин доклад қилгани учундир? Албатта, биз ҳаммамиз қонун чиқарувчилар билан ижроия ҳокимият ўртасида тўла уйғунлик фақат назарияда мавжудлигини яхши тушунамиз, чунки ҳамманинг, шу жумладан халқнинг ҳам манфаати битта: ўзгартиришлар муваффақиятидир. Хўжалик юритиш ва бошқарувда янги таъсир доирасига эришмасдан ҳаётни яхшилаш мумкинми? Қонунлар социализмга зарур жўшқинлик бахш этиш мақсадида қабул қилинади.

Мулк тўғрисидаги қонун лойиҳаси муҳокама қилиб бўлинди. У тузатишлар ва қўшимчалар билан қабул қилинишига шубҳа билдириш қийин. Давлат мулки охир оқибатда ўзининг ҳақиқий эгасини топиши, уни мужмал кишилар эмас, ишнинг кўзини биладиган одамлар тасарруф этиши учун давлат мулкини тубдан янгилаш, изчил демократлаштириш зарурлиги равшан муаммо бўлиб турибди.

И. НОВИКОВ,
ТАССнинг парламентдаги мухбири.

ВЛКСМ Марказий Қўмитаси Бюросида

ВЛКСМ Марказий Қўмитаси Бюроси иттифоқдош жумҳуриятлар ЛКСМ Марказий Қўмиталари, ўлка, Россия Федерациясининг ўлка, вилоят комсомол қўмиталари биринчи котиблари иштирокида КПСС Марказий Қўмитасининг аъзоси, ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг биринчи котиби В. Мироненконинг КПСС Марказий Қўмитасининг февраль (1990 йил) Пленуми якунлари ва КПСС Марказий Қўмитасининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури лойиҳаси тўғрисидаги ахборотини кўриб чиқди.

Мажлис қатнашчилари бўлиб ўтган муҳокама натижасида КПСС Марказий Қўмитасининг Пленуми давомида ва якунида, КПСС Марказий Қўмитасининг «Инсонпарвар, демократик социализм сари» Ҳаракат дастури лойиҳасида партиянинг КПСС ва жамиятда янгиланиш жараёнини жадаллаштиришга интилаётганликларидан гувоҳлик бераётганлиги билан келишдилар.

Шу билан бир вақтда ҳужжатда охиригача баён қилинмаган ўринлар борлиги ҳам таъкидланди. У КПСС Марказий Қўмитасининг ўзидаги, шунингдек, партия ташкилотларидаги оқимлар ва гуруҳлар ўртасидаги келишувчилик характерига эга бўлиб, партия интилаётган жамият тўғрисида аниқ-равшан тасаввур бермайди. Мазкур ҳолда ВЛКСМ Марказий Қўмитаси Бюроси кескин қайта ўзгартиришларни қўллаб-қувватлашини қатъиян билдиради.

ВЛКСМ Марказий Қўмитаси Бюроси КПСС Марказий Қўмитасининг яккаҳокимликдан воз кечишига ва бошқа кучлар билан сиёсий мулоқотда бўлишга тайёр эканлиги тўғрисидаги баёнотини принципиал қадам сифатида баҳолайди. Шу билан бирга сиёсий фикрларнинг хилма-хиллиги тан олиниши сиёсий партиялар тўғрисида қабул қилинадиган Қонунда Конституцион кафолатлар билан тасдиқланиши лозим. ВЛКСМ Марказий Қўмитаси Бюроси турли хил демократик ҳаракатларнинг вакиллари билан «давра столи» теварагида маслаҳатлашувлар ўтказишга киришиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

ВЛКСМ Марказий Қўмитаси Бюроси:

— СССРда миллий масалани адолатли ҳал этиш, СССРни жумҳуриятларнинг унитар бирлашган давлатидан нуфузли президентлик ҳокимиятли давлатлар иттифоқига айлантиришга даъват этилган янги иттифоқ шартномасини тезроқ тузиш;

— мулкчиликнинг турли хил шакллари тенг ҳуқуқли амал қилиши тўғрисида, уларнинг чегараси ва ҳажмлари иқтисодий ҳамда ижтимоий жойлардаги мақсадга мувофиқлигидан келиб чиқиб қарорлар қабул қилиниши;

ВЛКСМни «назорат остидаги» ташкилотга айлантирган КПСС Устави бўлимларини ва тегишли партия қарорларини кўриб чиқиш тарафдори эканлигини баён қилади.

ВЛКСМ Марказий Қўмитаси Бюроси ёш коммунистларни, комсомолларни, ёшларни умумпартиявий мунозарага ўзларининг ғоялари ва сиёсий ташаббуслари билан дадил боришга даъват этади. Жамият турмушининг барча жиҳатларини янгилаш суръатларидан умумий қаноатланмасликнинг кучайиши, таъкидлаб ўтилганидек, ёшларнинг ҳақиқий инқилобий қарорларни ишлаб чиқишда амалий иштирок этишларига ўсиб ўтиши лозим. Ёшларнинг овозига қулоқ солиниши зарур.

ВЛКСМ Марказий Қўмитаси Бюроси мамлакат комсомол ташкилотларига КПСС Марказий Қўмитаси февраль (1990 йил) пленуми материалларини, КПСС Марказий Қўмитасининг КПСС XXVIII съездига Ҳаракат дастури лойиҳасини муҳокама қилишни, тушган таклифларни умумлаштиришни таклиф этади ва уларни ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг март пленумида кўриб чиқишни назарда тутади.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

Турли миллатларга мансуб меҳнаткашларнинг кўпдан-кўп истакларини эътиборга олиб, Меҳнат Қизил Байроқ орденли М. Горький номли давлат рус академик драма театри коллективининг қурилаётган бинони миллатлараро театр учун бериш тўғрисидаги ташаббусини қўллаб-қувватлаб, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Тошкент шаҳрида жумҳуриятнинг театр ва концерт коллективлари ҳамда миллий-маданий марказлар ва уюшмаларнинг ижодий коллективлари учун Тошкент шаҳрида миллатлараро «Наврўз» давлат театрини барпо этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

«Наврўз» саҳнаси, унинг студияси Совет Иттифоқи қардош жумҳуриятларининг театр-концерт коллективларига, Ўзбекистоннинг барча миллий-маданий марказларига ва уюшмаларига бериладиган бўлади. «Наврўз» программасида ўзбек-рус тилларидаги ва СССР халқларининг бошқа тилларидаги спектакллар, концертлар, фестиваллар, профессионал санъат ва ҳаваскорлик ижодиёти кўриклари ўтказилади.

Ўзбекистон ССР маданият министрлигига давлат «Наврўз» миллатлараро театрининг дирекциясини тузиш, барпо этилаётган театр базасидан республиканинг миллатлараро маданий маркази сифатида фойдаланишни кўзда тутиш топширилди.

Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига 1991-1992 йилларда ҳозир ишлаб турган М. Горький номидаги театрни таъмирлаш, техника билан жиҳозлаш ва тубдан тузатиб бериш вазифаси юклатилди.

Жумҳурият ҳукуматининг қарорида таъкидланишича, «Наврўз» театрининг барпо этилиши байналмилал тарбияни янада яхшилашга, Ўзбекистонда яшаб турган барча миллат ва элатларнинг маданий бойликларини ривожлантиришга ва шу бойликлардан ҳаммани баҳраманд этишга хизмат қилади.

САЙЛОВ БЎЛИБ ЎТДИ

18 февраль куни жумҳурият аҳли олий ва маҳаллий Советларга сайловга келган муҳитни Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий турмушидаги «якдиллик ва жипслик вазияти» деб бўлмас эди. Ҳар қандай демократик жамиятнинг табиий белгиси бўлмиш фикрлар хилма-хиллиги сўнгги сайловолди кунларида юксак нуқтага кўтарилди дейиш мумкин.

Кўп сонли норасмий бирлашмаларнинг сайловга муносабати ҳар хил бўлди: уларнинг баъзилари сайловда қатнашишдан ошкора бош тортишга чақирган бўлсалар, бошқа бирлари сўнгги босқичда ҳам ўз номзодларининг ғалабасига умид қилиб жонжаҳдлари билан фаоллик кўрсатдилар. Тошкентда ва жумҳуриятнинг бошқа шаҳарларида сўнгги ҳафтада турли-туман хитобномалар, варақалар пайдо бўла бошлади, бир-бирига зид миш-мишлар тарқалди. Бусиз ҳам кескин вазиятни чигаллаштириш кимгадир керак бўлиб қолди. Кўрилган чора-тадбирлар туфайли вазиятни барқарорлаштириб олишга муваффақ бўлинди. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Жамоат тартибига ва гражданлар хавфсизлигига қарши қаратилган ҳаракатлар учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги фармони қабул қилиниши энг таъсирчан чоралардан бири бўлди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳозир бу фармондан амалда фойдаланиб, аҳоли орасида ваҳима келтириб чиқаришга қаратилган миш-мишларни тарқатувчиларга қарши курашни ташкил этмоқдалар.

Бу нарса ўз таъсирини ўтказа бошлади. Тошкентда ҳам, жумҳуриятнинг бошқа шаҳар ва ноҳияларида ҳам асосан осойишта, ишчан вазият вужудга келди, сайлов ҳам мана шундай вазиятда ўтди.

— Узил-кесил якунлар ҳақида гапиришга ҳали вақт бор, — деди Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи марказий сайлов комиссиясининг раиси Т. Ҳ. Собитов. — Бироқ овоз беришнинг ўзи ҳамма жойда нормал-ишчанлик билан ўтди — аввалгидек байрамона дабдабаларсиз ва беҳуда жазавасиз бўлди. Сайловчиларнинг асосий оммаси сайловнинг ташкил этилиши ҳусусида ҳеч қандай норозилик ва таъна билдирмади. Айрим шахсларнинг сайловда қатнашмаслик, ёки ҳамма бюллетенлардаги номзодларни ёппасига ўчириб ташлаш ҳақидаги даъватлари, жумҳуриятда кенг миқёсда қўллаб-қувватланмади.

(ЎзТАГ).



Ўтган якшанба куни биз ҳаммамиз қайта қуриш, ошкоралик, энг муҳими, демократиянинг яна бир синовидан ўтдик. Халқимизнинг ишонган ўғил-қизлари — депутатликка номзодлар учун овоз бердик. Хўш, улар кимлар? Яна олдинги сайловларда бўлгани сингари юқоридагилар бир нарса деганда, миқ этмай тураверадиган «асл фарзандлар»ми, ёки ҳокимият органларида туриб меҳнаткашларнинг туб манфаатларини ҳимоя қиладиган кишиларми?

Умуман, сайлов ва унинг натижаларини вақт кўрсатади. Кимларни сайлаганимиз ҳам кейинчалик аён бўлади. Фақат истардикки, бугун-эрта номлари маълум бўладиган депутатларимиз майда-чуйда ишларга ўралашиб қолишмасин-да.

СУРАТДА: Тошкент вилоятининг Тошкент ноҳиясидаги «Ленин йўли» колхозида жойлашган 13-сайлов участкасида депутатликка номзодларга овоз бериш пайти акс этган.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ М. ГОРЬКИЙ НОМИДАГИ ДАВЛАТ РУС АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ

ОЧИҚ ХАТИ

Азиз ўртоқлар!

Биз сизларга — ватандошларга, Совет Ўзбекистони пойтахтининг, шунингдек бутун жумҳуриятнинг аҳолисига мурожаат этаяпмиз. Қуйида биз айтадиган гаплар ҳар биримизга ва ҳаммамизга тааллуқли эканига ва социалистик мамлакатимизнинг ватанпарварлари бўлган фуқароларнинг ҳаммасига тегишли эканига ишончимиз комил. Биз ижтимоий турмуш учун ҳамма нарсадан азиз бўлган нарса ҳақида — ялпи осойишталик, фаровонлик, бахт-саодат йўлида биргалашиб сарфлаётган кучғайратларимизни жипслаштирувчи дўстлик, халқларнинг буюк дўстлиги ҳақида гапираяпмиз.

Бир вақтлар Максим Горький: маданият пешволари, сизлар ким билан биргасиз, — деган саволни берган эди. Бу савол гарчи бошқача урғу касб этган бўлсада, ҳозирги кунда ҳам ўзининг асосий аҳамиятини сақлаб қолмоқда. Назаримизда, бу савол ҳатто маънавий мажбуриятлар мавзуини кучайтириб, моҳият жиҳатдан сермазмун бўлиб қолди. Бу саволга бизнинг берадиган бирдан-бир тўғри жавобимиз: кўп миллатли Советлар мамлакатининг халқи билан биргамиз! — дейишдан иборатдир.

Ҳозир ҳар биримиз табаррук дўстлик туйғусини мустаҳкамлаш йўлида ҳамма ишни қилишга бурчлимиз. Бунинг учун санъатнинг қурби етади. Айниқса, жонли ва оммавий санъат, халқ ишонадиган ва халққа таъсир қиладиган санъат бўлмиш театр санъатининг бунга қурби етади.

Бу мактубда биз аниқ-равшан масала хусусида мурожаат этиб, жумҳурият ҳукуматига ўз таклифимизни киритамиз ва жамоатчиликнинг қўллаб-қувватлашига умид қиламиз.

Тошкентда — бир вақтлар эски шаҳар билан янги шаҳарнинг чегараси ўтган жойда бизнинг театримизга атаб қурила бошлаган бино, афсуски, кўп йилдан буён битмай ётибди. Яқин келажакда унинг қуриб битказилиши тайин. Биз жумҳуриятдаги энг катта иморат бўладиган шу бинода ҳозир бениҳоя муҳим ва сўзсиз олижаноб алоҳида вазифани амалга оширишга аталган мустақил муассаса сифатида миллатлараро театр ташкил этишни таклиф қиламиз. Биз ва томошабинларимиз кўп йиллардан буён ўрганиб қолган жойда зарур, эҳтимолки, туб таъмирлаш йўли билан коллективимизнинг ижодий эҳтиёжларига жавоб берадиган бино барпо этиб берилса, бас.

Тошкент кўп миллатли театри Ўзбекистон пойтахтининг кўрки бўлиб қолсин. У жумҳурият саҳна санъатининг марказига айлансин ва унинг саҳнасида мамлакат жумҳуриятларининг коллективлари, вилоят театрларимиз ижодкорлари ўзларининг энг яхши томошаларини кўрсатсинлар. Мана шу янги театр Ўзбекистонда яшовчи халқлар миллий маданиятлари марказлари системасидаги энг муҳташам кошоналардан бири бўлиб, уларнинг мулоқоти, яқинлашуви, дўстлиги макони бўлиб қолсин! Мана шу янги театр иштирокида маданиятимиз гуллаб-яшнайверсин, кўп халқларнинг илғор анъаналаридан баҳра олган ва Октябрдан кейинги ўн йилликлар давомида олға томон катта қадам ташлаган Ўзбекистон санъати равнақ топаверсин!

Театр коллективининг топшириғига биноан мактубга қуйидагилар имзо чекдилар:

СССР халқ артисти М. Ф. МАНСУРОВ,
Ўзбекистон ССР халқ артисти В. А. РУСИНОВ,
Ўзбекистон ССР халқ артисти В. Д. АЛЕКСАНДРОВА,
Ўзбекистон ССР халқ артисти Л. Н. ГРЯЗНОВА,
Ўзбекистон ССР халқ артисти В. В. ПАВЛЕНКО,
Ўзбекистон ССР халқ артисти К. Г. ЕФРЕМОВА.

Очиқ хат театр коллективининг умумий йиғилишида 1990 йил 14 февралда қабул этилган.

ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг ВЛКСМ Уставини тайёрловчи комиссиясида

1990 йил 8-9 февралда комиссиянинг мажлиси бўлиб ўтиб, унда ВЛКСМ Устави лойиҳасини чоп этиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Ушбу лойиҳа ҳисобот-сайлов кампанияси давомида тушган кўпдан-кўп таклифларни ҳисобга олган ҳолда тайёрланган. Унда шунингдек, Устав лойиҳаларини тайёрлаган муаллифларнинг учрашувларда, комсомол фаоллари, ВЛКСМ МҚга келган хатларда билдирилган таклифлар ҳам эътиборга олинган. Комиссия лойиҳага янги турдаги, демократик давлат ва ижтимоий тузилишининг ўзига хос томонларини инобатга оладиган, ривожланишга қодир бўлган ёшлар ташкилотини тузиш имконини берадиган норма ва принципларни киритишга интилди.

Ушбу лойиҳа ўзига муаллифлар вариантларидаги ғояларни сингдирган, тузилишда анча ўзгаришларга учради. Уставнинг илгариги лойиҳаларидаги ташкилотнинг сиёсий негизини белгиловчи қатор ҳолатлар ҳозир тайёрланаётган ВЛКСМ Ҳаракатномасига ўтказилди. Комисссия ВЛКСМнинг сайлаб қўйиладиган марказий органлар вазифаларини ва ваколатларини, съезд делегатларини сайлаш ва МҚни шакллантириш тартибини съезднинг махсус резолюцияларида белгилаш мақсадга мувофиқ деб топди. Уларнинг лойиҳалари тайёрланган ва яқин кунларда эълон қилинади.

Съездга тайёргарликнинг масъулиятли даври бошланди. Делегатларнинг ўзлари фаол ишга киришишлари лозим. Муҳокамага тақдим этилаётган Устав лойиҳаси яна бир бор ўз нуқтаи назарларини аниқлашга, ўртоқлар билан маслаҳатлашишга, янги ечимларни излашга имкон беради.

ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг ВЛКСМ Уставини тайёрловчи комиссияси.

3-бетга қаранг!

ДУШАНБЕДА МИТИНГ БЎЛДИ

ДУШАНБЕ, 18 февраль. (ТАСС махсус мухбирлари В. Зенькович, В. Гондусов). Эрта тонгданоқ Тожикистон пойтахти марказига халқ йиғила бошлади. «Тожикистон» меҳмонхонасига яқин ерда милиция, ички қўшинлар ва Совет Армияси бўлинмалари одамларнинг йўлини тўсди. Ҳуқуқ-тартибот органларининг вакиллари яқин атрофдаги одамлар истиқомат қиладиган даҳаларда тартибсизликлар чиқмаслиги учун ҳамда транспорт ҳаракати бузилишининг олдини олиш мақсадида намойишчиларни жумҳурият Министрлар Совети биноси олдидаги майдонга ўтказмадилар.

Тўпланган кишилар бир қанча норасмий ташкилотлар ва баъзи дин пешволарининг ваъдаларини дастак қилиб, ўзларини майдонга ўтказиб юборишни талаб қилдилар. Бу воқеада жумҳурият раҳбарияти муросага борди: Душанбе шаҳрида фавқулодда ҳолат амал қилаётганига қарамай, намойишчиларга стадионларнинг бирида митинг ўтказиш таклиф қилинди.

Бироқ одамлар бу ердан кетишни хоҳламадилар. Фақат Тожикистон мусулмонларининг қозиси Ҳожи Акбар Турадмунзоданинг даъватидан кейингина тўпланган одамлар Душанбе чеккасидаги шаҳар киноконцерт зали олдига бордилар. У ерда бир неча ўн минг киши тўпланди. Митингда байналмилал-жангчилар ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда фаол ёрдам беришди.

— Бу ерда 400га яқин йигитимиз бор, — дейди СССР халқ депутати, байналмилал-жангчи Ризоали Ожиев. — Митинг қилиш мумкин, лекин қон тўкилишига яна йўл қўйиб бўлмайди, деб ҳисоблайман. Барча масалалар фақат тинч йўл билан ҳал этилиши даркор.


Митингда фақат душанбеликлар эмас, жумҳурият пойтахти яқинидаги ноҳияларнинг аҳолиси ҳам тўпланди. Одамлар ижтимоий ноқулайликлар: уй-жой, озиқ-овқат, дори-дармонларнинг етишмаслиги тўғрисида гапирдилар.

— Ур-йиқитлар ва бебошликка келганда, бу воқеаларнинг ҳаммаси жумҳурият тақдирини ҳал этишда аҳолининг кенг қатламлари иштирокидан наф кўрмайдиганларгагина фойдалидир, — дейди душанбелик И. Семенов.

* * *

СССР Ички ишлар министрлигининг Муваққат матбуот марказида ТАСС мухбирларига хабар қилишларича, Тожикистон ССРда ички ишлар органлари бебошликларнинг мутасаддилари ва фаол қатнашчиларини аниқлаш юзасидан ғайрат билан ишламоқдалар. Ҳозирдаёқ йигирма кишига қарши жиноий иш қўзғатилди.

ҲАМКОРЛИКДАН МАНФААТДОРМИЗ



«Комсомолец Узбекистана» газетасининг янги муҳаррири Александр Тимофеевич ПУКЕМОВ мусоҳаба уюштирмоқчи бўлганимни эшитиб, рози бўлди:

— Ишдан кейин келинг, бемалол суҳбатлашамиз.

Бу режа менда ўз-ўзидан пайдо бўлгани йўқ. Жумҳуриятимиз ёшларининг рус тилида чиқадиган газетаси нуқтаи назари, унда берилаётган мақолаларнинг юртимиз ҳаётидан йироқлиги мени анчадан бери ўйлантирарди. Ҳар қандай газетанинг йўналиши кўп жиҳатдан унинг муҳарририга боғлиқ. Шунинг учун ёшларимиз ўзларига яқин олиб атошадиган «Комсомолец»нинг янги раҳбаридан бу ҳақдаги фикрини билиш истаги туғилди.

Ниҳоят Александр Тимофеевичнинг хонасида ўтирибмиз.

— Александр Тимофеевич, ишни нимадан бошладингиз, қандай қийинчиликларга дуч келдингиз?

— Аввало жамоа билан танишдим. Ким қандай ёзишини яхшилаб ўрганиб чиқдим. Аён бўлдики, газета ижодкорларининг ижодий қуввати юқори. Уни фақат тўғри мақсадда ишлата билиш керак. Қийинчиликларга келсак ҳозирча унча сезилмаяпти. Газетада ишлаш тажрибам бор. Вилоятларга сафарларга чиқаверганимдан ўзбек урф-одатлари, анъаналари онгимга сингиб кетган. Бу расм-русумларга ёт кишидай сезмайман ўзимни. Балки шунинг учун ҳам ўзбеклар билан тил топишиш, кейинги вақтда кўндаланг қўйилаётган муаммоларни тушуниш менга бошқаларга қараганда осонроқдир.

— Маълумки, «Комсомолец Узбекистана» бу йил кўп муштарийларини йўқотди. Бунинг асосий сабаби у юртимиз муаммоларидан йироқлашиб кетганида эмасми? Энди газетанинг асосий йўналишингиз қандай бўлади?

— Фикрингизга қўшиламан. Газета кенг омманинг эмас, балки маълум гуруҳлар қизиқишларини назарда тута бошлади. Бу биринчидан. Иккинчидан, ўзингизга яхши маълум, марказий матбуотнинг баъзи чиқишлари туфайли ўзбек халқи ҳақида пахтакор, савдогар, Фарғона воқеаларидан сўнг эса гиёҳванд, бешафқат, миллатчи деган тушунча ҳосил бўла бошлади. Бу гапларга чек қўйиш кераклигини, афсуски, ҳамма ҳам бирдай англаб етгани йўқ. Бир воқеани ҳалигача унута олмайман. «Наманганская правда» газетасида энди ишлай бошлаган пайтларим эди. Бир кун чойхонага кириб чой ичиб ўтирсам, ёнимда ўтирган отахон дастурхондаги нонидан бир бурда ушатиб берди. Аввалига ҳайрон бўлдим, кейин билсам, нон ололмай қолибди-да, деб ўйлаб шундай қилган экан. Ўзбек деганда менинг хаёлимда доимо ўша отахон, рўзғорида гўшти йўқ бир оддий қишлоқ кишиси гавдаланади. У ўзи емаса-емайдики, бор будини меҳмон олдига қўяди. Менимча, маданият, саховатлилик илдизларини шундан излаш керак. Бу мавзуга ҳали қайтаман.

Ҳозир жумҳуриятимизда жуда кескин бўлиб турган ишсизлик масаласи газеталаримизнинг асосий йўналишларидан бирига айланиши керак. Яна бир фикр. Нега қишлоқдан келган ўзбек йигити шаҳарда корхоналарда ўрнашиб қола олмайди, нега шу вақтгача ўзбек ишчилар синфи етишиб чиқмади, деган савол матбуотда тез-тез қўйилмоқда. Мен Тошкент трактор заводида кўпнусхали «Тракторостроитель» газетасида ишлаганман. Шунинг учун бу ўринда ўз ҳаётий тажрибамдан келиб чиқиб мулоҳаза қиламан. Энди ишга келган йигитларни заводда кўпинча қора ишларга қўйишарди, маошлари эса 40 сўмдан ошмасди. Бу пул билан кишин оиласи тугул ўзини ҳам боқолмайди. Мана шу шароитда бирон корхонада ишлаб қолиш мумкинми? Бу масалага жиддий эътибор бермоқчимиз.

Ёки бошқа мисол. Ўзбек тили ҳақида қонун лойиҳаси муҳокама қилинаётганда, кўпчиликни бу бекорчиликдан ўйлаб чиқарилган муаммо, ўзбек халқига ўз тилини ривожлантириш учун ҳеч тўсқинлик бўлгани йўқ, деган гаплар айтилди. Агар объектив сабаблар бўлмаганида ўзбек тили ўз тилига айланиб қолмас эди, минглаб одамлар митингларга чиқишмасди. Бу муаммоларга кўз юммасдан уларнинг ечимини излаш керак. Масалан, биз «Узбек тилини ўрганамиз» ойнасини очмоқчимиз. Ўзим ҳам, уч яшар ўғлим ҳам ўзбек тилини ўрганяпмиз.

Жумҳуриятимизнинг экологик аҳволи ўта оғир. Саноат корхоналари чиқиндилари, қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган заҳарли кимёвий моддалар ҳавомизни, сувимизни заҳарлаяпти, ерларимизни яроқсиз ҳолга келтиряпти. Бунинг чорасини излаш жуда қийин кечаяпти. Шу ўринда бир шахсий мулоҳазамни айтиб ўтсам. Ўзбекистонда янги ерларни ўзлаштириш учун бир вақтлар Иттифоқ сув хўжалиги нозирлиги миллиардлаб сўм маблағ ажратган. Бугунги кунда ерлар тамом яроқсиз аҳволга келиб қолди. Ҳозир жумҳуриятимизни хўжалик ҳисобига ўтказиш масаласи кўндаланг бўлиб турибди. Мен буни тўлиқ қувватлаган ҳолда айтмоқчиманки, экология соҳасида шундай қилсак тўғри бўлармикан? Нега энди ерларимизни кўп йиллар давомида биргалашиб булғадигу, энди уни фақат ўзимиз тозалашимиз керак?! Менимча, экология, соғлиқни сақлаш соҳаларида биз Иттифоқ ҳамёнидан пул олишимиз лозим.

— Жумҳуриятимизнинг маданий муаммоларига тўхталиб ўтсак. Ўтган йили газетамиз саҳифаларида олимларимиз, ёзувчи-шоирларимизнинг публицистик мақолалари чоп этилди. Афсуски, «Комсомолец Узбекистана»нинг муштарийлари улар билан таниша олмади. Келгусида ҳамкорлик қилишимиз мумкинми? Агар баъзида бир мақола ҳам жамоатчилик фикрини ўзгартириб юборишини назарда тутсак, бу жиддий ишлиги аён бўлади.

— Тўғри, ҳозир Иттифоқимизнинг барча халқлари сингари ўзбек халқи ҳам маънавий уйғонишни бошидан кечиряпти. Ота-боболаримизнинг меросидан ажралмаган, ўз маданиятини ҳурмат қила оладиган инсонгина бошқани ҳурмат қилиши мумкин. Иккинчи томондан, бошқа халқни ҳурмат қилиш учун унинг тарихи, маданияти, анъаналари, тили, расм-русумлари ва буюк фарзандлари билан таниш бўлиш керак. Таассуфки, ўзбек халқи маданиятини яхши билмаймиз. Ўрганишимиз керак. Режалар кўп. Ҳамир учидан патир деганларидек, бироз кечикиб бўлса-да, Абдулла Қодирий ижодига бағишланган материаллар тайёрладик. Инқилобдан кейинги даврдан яна Чўлпон, Фитрат асарларининг энг яхши таржималарини бермоқчимиз. Хўжа Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Мирзо Бобур сингари файласуф шоирларсиз жаҳон маданияти тўлиқ бўлмаган бўлар эди. Бу буюк алломалар ҳаёти ва ижоди ҳақида газетамиз саҳифаларида мақолалар берамиз. Мен фалсафа, дин муаммоларига қизиққаним туфайли «Инжил»ни ҳам, «Қуръон»ни ҳам ўқиб чиққанман. Икки буюк китобда туташ нуқталар кўп. Афсуски, биз кўпинча «Қуръон»ни нотўғри, жўн талқин қилиш ҳолларига дуч келаяпмиз. Менимча, эса тушуниб ўқилса, бу инсонга муҳаббат китобидир. Газетамиз саҳифалари дин муаммоларини ўрганувчи олимлар, мутахассислар учун доим очиқ. Дин вакилларининг умуминсоний манфаатлар йўлида ўтказган тадбирларини албатта ёритамиз. Чунки кўр-кўрона даҳрийлик йўлидан бориб, кўп нарсани бой бериб қўйдик, деб ўйлайман. Ҳозир Урал дорилфунунининг фалсафа факультетида ўқиётган қизим ислом муаммолари бўйича мутахассис бўлмоқчи эканлигида ҳам менинг таъсирим бўлса керак.

Яна шуни айтишим лозимки, ўзбек зиёлиларининг рус тилида ёзилган мақолаларига эҳтиёж сезяпмиз. Бу гапларни улар мурожаатнома деб қабул қилсалар ҳам бўлади. Шундай мақола кутамиз.

— Александр Тимофеевич, ўзингиз ҳақингизда икки оғиз гапириб берсангиз.

— Урал дорилфунунининг журналистика факультетини тугатиб, ўша ерда ишлай бошладим. Кейинчалик соғлигим ёмонлашгани туфайли докторлар иқлим ўзгартиришни маслаҳат беришди. Ўзбекистонга келдим. Наманганда ишлай бошладим. Кейин — айтганимдай, трактор заводида. Ундан сўнг «Вечерний Ташкент», «Правда Востока» газеталарида ишладим. Ўзбекистон ҳаётини ўргандим. Орттирган тажрибам энди жуда керак бўлади. Яна дўстларимнинг ёрдамига таянаман.

Газеталаримиз ҳамкорлик қилишса яхши бўлар эди, деб ўйлайман. Дейлик, «Ёш ленинчи»да чиққан энг яхши мақолалар бизда, «Комсомолец Узбекистана»дагиси шундай материаллар сизда таржима қилиб берилса, икки рўзнома муштарийлари ҳам баҳраманд бўлар эди.

— Қизиқарли суҳбатингиз учун раҳмат.

Фурқат НЕЪМАТ суҳбатлашди.



Самарқанддаги «Меҳнат» тикувчилик бирлашмасининг Боғизоғондаги 10-филиали тикувчилари айни кунларда меҳнат унумдорлигига эришмоқдалар. Жорий йилда ойлик план ва мажбуриятлари муддатидан олдин, 60-65 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш билан уддаланмоқда. Бу шарафли ишда корхонанинг комсомол-ёшлари алоҳида жонбозлик намуналарини кўрсатишяпти.

СУРАТДА: илғор тикувчи, Ленин комсомоли аъзоси Муҳиба Хўжаназарова. У смена топшириқларини 120 фоизга адо этяпти. Маҳсулотнинг биринчи навга топширилаётгани қувончли.

Сураткаш Ғ. АЛИЕВ.

Хориждан хабарлар

Телетайп лентасидан

СОФИЯ. 30 март куни Болгариядаги энг оммавий ижтимоий-сиёсий ташкилот — Ватан фронтининг навбатдан ташқари ўн биринчи съезди очилади. Ватан фронти (ВФ)нинг миллий кенгаши пленумида ана шундай қарор қабул қилинди. Пленум ишида Болгария Коммунистик партияси, Болгария деҳқонлар халқ иттифоқининг раҳбар органлари намояндалари, ватан фронтининг жамоа комитетлари раҳбарлари иштирок этдилар.

Пленум ВФ кенгаши раиси Живко Живковнинг истеъфосини қабул қилди. Бу лавозимга Гиньо Ганев сайланди.

Пленум қатнашчилари бўлажак съезднинг кун тартибини муҳокама қилдилар. Анжуманда мамлакатдаги сиёсий вазият ва шу билан боғлиқ тарзда Ватан фронтининг вазифалари кўриб чиқилади, ташкилотнинг ҳаракат дастури ва янги устави қабул қилинади, унинг раҳбар органлари сайланади.

ВФ ҳаракат дастурининг лойиҳаси мунозара қатнашчиларининг диққат марказида бўлди.

ПАРИЖ. Апартеид системаси, маъмурларнинг жабр-зулм сиёсати илгари бўлганидек, ҳозир ҳам Жанубий Африкадаги асосий муаммо бўлиб турибди. Африка миллий конгресси раҳбари Нельсон Мандела Франциянинг ТФ-1 телекомпанияси мухбири билан суҳбатда шуни айтди.

Мандела Африка миллий конгрессининг ҳукумат билан бўлажак музокараларига тўхталиб, шу музокаралар чоғида муроса ва ўзаро ён босишлар муқаррардир, деб таъкидлади. Агар муросага хоҳиш-ирода бўлмаса, музокара олиб боришга ҳожат йўқ, деди у. Мандела бу музокаралар шу яқин орада бошланади, деб умид билдирди.

ЖАРда камчиликни ташкил этувчи оқ танли кишиларни ишонтириб шуни айтмоқчимизки, биз мамлакатда оқ танлиларнинг ҳам, қора танлиларнинг ҳам ҳукмронлик қилишига қарши чиқмоқдамиз, деди Африка миллий конгрессининг раҳбари. Мухбир, сизнинг фикрингизча, ЖАРда келажакда турли ирқий гуруҳларга мансуб вакиллар кирадиган ҳукумат тузиш имконияти борми, деб савол берганида Мандела қуйидагича жавоб қайтарди: Ҳа, биз бунинг иложи бор, деб ҳисоблаймиз. Бизни одам баданининг ранги қизиқтирмайди, биз ирқий негизга асосланмаган жамият қуриш тарафдоримиз.

ГАВАНА. «Халқ иштирокида ва халқаро жамоатчилик мадади билан Чилидаги қамоқхоналарни очамиз!» — Куба пойтахтида ана шундай шиор остида Чилидаги сиёсий маҳбуслар билан бирдамлик митинги бўлиб ўтди. Бу йиғин Африка, Осиё ва Лотин Америкаси халқлари билан бирдамлик ташкилоти, шунингдек, Чилининг Кубада ишлаётган сиёсий партиялари ва жамоат ташкилотлари вакилларининг ташаббуси билан ўтказилди.

6 фарзандидан 5 нафари Пиночет идора усули вақтида ҳалок бўлган ёки бедарак йўқолган чилилик аёл Утилия Варгас митингда сўзга чиқиб, Ватаннинг ёрқин келажаги учун курашаётган барча кишиларни қамоқлардан озод қилишни талаб этди. У сайланган президент Патрисио Эйливиндан умумий авф эълон қилишни талаб этди.

ЛОНДОН. Буюк Британия ва Аргентина Фолкленд ороллари можароси сабабли 1982 йилги уруш чоғида узилиб қолган дипломатия муносабатларини тўла тикладилар. Рейтер агентлиги шу ҳақда хабар берди. Испания пойтахтида ўтказилган икки ҳафталик Англия — Аргентина музокараларидан кейин шундай қарорга келинди.

ДЕҲЛИ. Ҳиндистоннинг сўнгги аскари мамлакатдан чиқиб кетмагунича Шри Ланка ҳозир тайёрланаётган Ҳиндистон билан дўстлик тўғрисидаги шартномага имзо чекмайди. Шри Ланка ташқи ишлар министри ва давлат мудофаа министри Ранжан Вижератне Коломбода журналистлар билан учрашув чоғида шуларни айтди: «Биз мустақил давлатмиз ва бу шартномага мажбуран қўл қўйишга рози бўлмаймиз», — Ҳиндистон мазкур шартномани 31 мартгача тузиш нияти бор, деб ёзаётган матбуот хабарларини шарҳлаб министр шуларни таъкидлади. Ҳукуматлараро битимга биноан, Ҳиндистоннинг тинчликни сақлаш кучлари қабилалар ўртасидаги можарони бартараф этиш учун 1987 йилнинг ёзида шу оролга юборилган эди. Яқин икки ой мобайнида Ҳиндистон кучлари батамом чиқиб кетади, деб кутилмоқда.

Шри Ланка министри шартноманинг барча қоидалари ҳали узил-кесил ишлаб чиқилмаган, деб айтди. Айни вақтда у қуйидагиларни таъкидлади: Шри Ланка ташқи ишлар министрлигининг секретари Бернард Тиллекератне ўтган ҳафтада Деҳлида Ҳиндистон ташқи ишлар министри Индер Кумар Гужрал билан учрашганида Ҳиндистон министри Шри Ланка позициясини тушунганини айтган эди. Р. Вижератне Деҳли билан Коломбонинг ёндашувларидаги тафовут катта эмас ва бартараф этилиши мумкин, деб таъкидлади.

Матбуот конференциясида Шри Ланкада илгари қабул қилинган бир қанча фавқулодда чоралар, жумладан давлат органларининг сиёсий партиялар фаолиятини тақиқлаб қўйиш ҳамда матбуотда мақолалар эълон қилишни чеклаб қўйиш ҳуқуқлари бекор қилинганлиги ҳам айтилди.

(ТАСС).

СОБИҚ УЧУВЧИ ТАВБА-ТАЗАРРУ ҚИЛАЁТГАНИ ЙЎҚ

НЬЮ-ЙОРК, (ТАСС). Флорида штатидаги Мейтлэнд шаҳарчасида олис авиация эскадрильяси ветеранларининг учрашувини, ҳа энди шунчаки бир учрашувда, десак бўлардию, лекин бунинг бир ажабтовур жиҳати бор. «Энола Гей» бомбардимончи самолёти экипажининг собиқ уч аъзоси ҳам бу ерга келган эди. Ушбу экипаж аъзолари 1945 йил 6 август куни соат эрталаб 8 дан 15 минут ўтганда Хиросима шаҳрига атом бомбасини ташлашган эди.

Ақл бовар қилмаса ҳам, аммо бор гап шу: ўша учувчилардан биронтаси ҳам қилмишлари учун уялаётгани ва ҳатто афсусланаётгани йўқ. «Нега энди афсусланишимиз керак? — деди репортер саволига жавоб берар экан «Энола Гей»нинг собиқ командири Пол Тиббетс, у одам ҳазар қиладиган ишни қилиб, каттароқ бир ҳарбий объекти бўлмаган шаҳар аҳлининг жаллоди бўлган эди. — Бу саволни менга жуда кўп марта беришган. Ҳамма вақт сира афсусланаётганим йўқ, деб жавоб бериб келаман». «Японлар бизга ҳужум қилишган эди, биз эса ўзимизни ҳимоя қилдик», — деди 74 ёшли истеъфодаги генерал. У яна бир марта расмий гапни такрорлади — гўё, Хиросима ва Нагасаки шаҳарларига атом бомбаси ташланганининг сабаби «америкаликларнинг ҳаётини сақлаб қолиш» зарур бўлиб қолган экан», мабодо шундай қилинмаса, Япония оролларига ҳужум вақтида улар ҳалок бўлиши мумкин экан.


Ўша кезда «Энола Гей» самолёти экипажининг парвозига «оқ фотиҳа» берган собиқ ҳарбий руҳоний Уильям Дауни ўзича қуйидагиларни уқтирди: буни қарангки, атом бомбаси камида 7 минг Америка аскарининг ҳаётини сақлаб қолган эмиш. Руҳоний, албатта, Хиросимадаги қариялар, болалар ва аёлларни ҳисобга олаётгани йўқ. Ҳолбуки, ўша ядро жаҳаннамида 100 минг одам ҳалок бўлган эди. «Яккаю ягона фожиа шундаки, бундай бомба қўлимизга илгарироқ тушмаган эди», — деб надомат чекди собиқ руҳоний.

ЧССР ДАВЛАТ ХАВФСИЗЛИГИ АППАРАТИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИЛМОҚДА

ПРАГА, 17 февраль. (ТАСС). Мамлакатда ЧССР Ички ишлар министрлиги давлат хавфсизлиги аппаратининг мутлақо янги структураси тузилмоқда, деб хабар берди ЧТК агентлиги ички ишлар министрининг биринчи ўринбосари И. Прушанинг сўзларига таяниб.

Министр ўринбосари давлат хавфсизлиги аввалги системасини бемаъни система, деб таърифлаб, ҳозирги вақтгача давлат хавфсизлигининг уни бошқариш, область ва район терговбошқармалари каби бўлинмалари, махсус аҳамиятдаги бўлим тугатилганлигини маълум қилди. Визалар ва чет элликларни рўйхатга олиш бошқармасини қайтадан тузиш белгиланди. Тегишли бўлинмаларнинг ходимлари запасга ўтказилди ва текширув чоғида уларнинг бундан кейинги хизмати тўғрисидаги масала ҳал этилади.

Ички ишлар министрлиги давлат хавфсизлиги хизматининг янги структурасига келганда И. Прушанинг таъкидлашича, ички ишлар министрлигининг разведка хизмати ўз вазифасини бажаради. Ички ишлар министрлигининг конституция ва демократияни муҳофаза этиш бошқармаси Чехословакия территориясида чет эл разведка хизматларига ва халқаро терроризмга қарши кураш олиб боради, давлат бутунлигига қарши йўналтирилган конституцияга зид фаолиятларни фош этади.



Америка телевидениесига овоз ёзишнинг янги системаси келди...

Кью-Сауенд деб ном олган бу система «Арчер» компанияси инженерлари томонидан ишлаб чиқилган. Ундан телевизор соҳиблари фойдаланишлари мумкин. Бу системани қўллаш учун ҳеч қандай қўшимча қайта ўзгартириш ёки қўшимча қўйишнинг ҳожати йўқ.

Янги система овозни шундай тарзда ёзиб оладики, тингловчи телевизор экранида кузатаётган ҳаракатларнинг ичида бўлаётганидек самара беради.

Кью-Саунд бу системани 1981 йилдаёқ ишлаб чиқишни бошлаган эди. Эндиликда у Америка ва хорижий телекомпаниялар, радиостанциялар, турли хил студиялар ва кино саноати вакилларининг эътиборини ўзига тортди. Системани ишлаб чиққанларнинг фикрига кўра, у яқин орада кенг қўллана бошлайди.

СУРАТДА: инженер Дэн Лоу уч ўлчамли овоз ёзиш мураккаб компьютер системаси билан ишлаётган пайт.

ТАСС суратхроникаси.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ИБОДАТХОНА КЎЧИРИЛДИ

● ҲИНДИСТОНЛИК олим ва қурувчилар Урта аср ҳинд меъморчилигининг қадимий ёдгорлиги — Андхра—Прадеш штатидаги Кудавелли Сангамешвара ибодатхонасини қутқариш учун бошланган ноёб операцияни ниҳоясига етказдилар. Йигирма метр баландликдаги бу бино Кришна дарёсида тўғон қурилаётганлиги туфайли сув босиб кетмаслиги учун 600 метр четга кўчирилди. Бу ишни бажариш учун 10 йилдан ортиқ вақт кетди. 980 йил муқаддам харсанг тошлардан қурилган ибодатхона эҳтиёткорлик билан бузиб олинди. Сўнгра ҳар бир тош ва ибодатхона деворларидаги турли жиҳозлар махсус ишланган ғўлалар устида юргазилиб, бошқа жойга олиб борилди. «Таймс оф Индиа» газетасининг ёзишича, бу ишларнинг ҳаммаси қўлда бажарилган, лекин ибодатхона тошларининг биронтаси ҳам синмаган.

130 ЁШИДА ҲАМ ТИНИБ-ТИНЧИМАЙДИ

● МАРОКАШДА яшовчи Ача буви Кхадуи бин Муҳаммад ал Абдийя яқинда 130 ёшга тўлганлигини нишонлади. Буви ўзини яхши ҳис қилмоқда, врачларнинг фикрича, унда ҳеч қандай жиддий касаллик йўқ. У уйидаги барча майда-чуйда ишларни ўзи бажаради. Ача бувини хафа қилаётган ягона нарса — беш вақт намозни канда қилмай ўқий олмаётганлигидир. Кекса аёл аллақачон буви бўлиб қолган набираси билан яшайди. Унинг икки қизи эса юз ёшга киришларига бир неча йил қолганида вафот этишганди.

ЧЕКИШ ЎРНИГА — КОНФЕТ

● КАРЛСРУЭ шаҳридаги (ГФР) баъзи такси ҳайдовчилари кейинги пайтда ўз йўловчиларини конфет билан сийлайдиган бўлиб қолишди. Гап шундаки, чекувчилар машинага ўтиришлари биланоқ чекишни бошлайдилар, шунда ҳайдовчи уларга конфет бериб, чекмасликка чақиради.

МАНА БУНИ ҚОВОҚ ДЕСА БЎЛАДИ!

● ЯПОНИЯЛИК фермер Шоджи Ширан оғирлиги 214,5 килограмм бўлган қовоқ етиштирди. Бу нафақат Япониянинг, ҳатто Жаҳон рекордидир. Бу натижа «Гиннеснинг Рекордлар китоби»дан ўрин олса, ажаб эмас.

ВЛКСМ УСТАВИ

ЛОЙИҲА

Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ёшлар Иттифоқи совет ёшларининг кўнгилли, мустақил ва ташаббускор ижтимоий-сиёсий ташкилотидир.

ВЛКСМ СССР Конституцияси, совет қонунлари ва СССР имзолаган халқаро шартномаларга мувофиқ ўз Устави асосида ҳаракат қилади.

ВЛКСМнинг асосий мақсади — йигит-қизларга камол топишларида кўмаклашиш, уларни демократик социалистик жамият яратишда қатнашишлари учун бирлаштириш.

ВЛКСМ ўз Ҳаракатномасига эга бўлиб, мамлакатнинг давлат ва жамоат ишларини бошқаришда қатнашишга эришади, ёшларнинг, аввалломбор ВЛКСМ аъзоларининг манфаатларини ҳимоя қилиш ва амалга ошириш учун мавжуд имкониятлар ва ваколатлардан фойдаланади.

ВЛКСМ ўз фаолиятини КПСС билан ғоявий бирлик асосида амалга оширади, истиқболдаги ва кундалик вазифаларни, иш йўналиши ва шаклини белгилайди; бошқа ёшлар ва ўзга ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.

I ВЛКСМ ИЧКИ ИТТИФОҚ ТУРМУШИНИНГ АСОСЛАРИ

1. ВЛКСМ ички иттифоқ турмушининг асослари қуйидаги принциплардан иборат:

а) —ташкилот ҳар бир аъзосининг шахсий қадриятини ва фикрига ҳурмат;

б) — барча ташкилотлар ишидаги жамоачилик, қарорлар қабул қилишдаги коллегиаллик, ВЛКСМ аъзоларининг топширилган иш учун шахсий масъулияти;

в) — қуйидан то юқоригача барча комсомол органлари сайлаб қўйилади;

г) — комсомол органлари ўз ташкилотлари олдида вақти-вақти билан ҳисоб бериб турадилар ва ўз фаолиятлари ҳақида юқори органларни хабардор қилиб турадилар;

д) — барча комсомол органлари ва ташкилотлари ишида мунозаралар эркинлиги, тўла ошкораликка амал қилинади;

е) — кўпчилик ва озчиликнинг ҳуқуқлари ҳурмат қилинади; кўпчиликнинг манфаатлари унинг бутун ташкилот номидан чиқиши ва ҳаракат қилиш ҳуқуқи, кўпчилик томонидан қабул қилинган қарорларнинг барча комсомоллар ва комсомол ташкилотлари учун мажбурийлиги билан таъминланади; озчиликнинг манфаатлари унинг ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилиш, шунингдек, жамоатчилик фикрига мурожаат этиш, сайлаб қўйиладиган органлар ёки ташкилотлар таркибида ташкилий расмийлаштирилади; ВЛКСМ Уставига зид бўлмаган фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи билан таъминланади;

ж) — агарда, юқори органлар қуйи органлар берган ваколатлар доирасида қарор қабул қилган бўлса, бу қарорлар қуйи органлар учун мажбурийдир;

з) — ВЛКСМда олий ва сайлаб қўйиладиган органларнинг, шунингдек улар аппаратларининг тасарруфи чегараси белгиланади. Уларнинг вазифалари ва ваколатлари ВЛКСМ съезди, иттифоқдош жумҳуриятлар ЛКСМлари съездлари, комсомол ташкилотлари конференциялари ва йиғилишлари қарорлари билан белгиланади.

ВЛКСМнинг умумий йўли ва вазифаларини амалга оширишдаги бирлик барча комсомол ташкилотларининг шакл ва услуб танлашда кенг мустақиллигини кўзда тутади.

2. ВЛКСМ МҚ, комсомол қўмиталари комсомол мукофотларини таъсис этади, улардан энг яхши комсомол ташкилотлари ва ВЛКСМ аъзоларини рағбатлантиришда фойдаланадилар.

II. ВЛКСМ АЪЗОЛАРИ, УЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ВАЗИФАЛАРИ.

3. Совет Иттифоқининг 14 ёшдан 28 ёшгача бўлган, ВЛКСМ Ҳаракатномаси ва Уставини тан оладиган ҳамда бажарадиган, бошланғич тшкилотларнинг бирида ишлайдиган, аъзолик бадалларини тўлаб турадиган ҳар бир йигит ва қиз ВЛКСМ аъзоси бўла олади.

ВЛКСМ аъзолигига ёш чегаралари иттифоқдош жумҳурият ЛКСМлари Уставлари ёки норматив ҳужжатлари билан кенгайтирилиши мумкин.

Эслатма: Зарур ҳолларда бошланғич комсомол ташкилоти 14 ёшга тўлмаган ёшни ҳам ВЛКСМ аъзолигига қабул қилиши мумкин.

ВЛКСМ аъзосининг аризасига мувофиқ бошланғич комсомол ташкилоти қарори билан комсомолда бўлиш муддати узайтирилиши мумкин.

ВЛКСМ аъзолари ягона намунадаги комсомол билети ва комсомол нишонига эга бўладилар.

4. ВЛКСМ аъзоларининг бир иттифоқдош жумҳурият ЛКСМидан иккинчисига ўтиши унинг ВЛКСМ Уставида белгиланган ҳуқуқларини камситмаслиги керак.

5. ВЛКСМ аъзолигига қабул.

ВЛКСМ аъзолигига қабул масаласи бошланғич ташкилотда муҳокама қилинади ва ҳал этилади, бунда кирувчига тавсиянома керак эмаслигини унинг ўзи белгилайди. Йиғилишда қатнашаётган ВЛКСМ аъзоларининг ярмидан кўпи ёқлаб овоз берган тақдирда қарор қабул қилинган, деб ҳисобланади. ВЛКСМга аъзо бўлиб кирган кишининг комсомол ҳужжатлари ноҳия комсомол қўмитаси, шаҳар комсомол қўмитаси ёки ноҳия комсомол қўмитаси ҳуқуқидаги комсомол қўмитасида расмийлаштирилади.

6. ВЛКСМ аъзоси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) — ўз манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва амалга оширишда ёрдам сўраб комсомол ташкилотлари ва органларига, комсомолнинг оммавий ахборот воситаларига мурожаат этиш, ВЛКСМнинг сиёсий, ташкилий ва моддий имкониятларидан фойдаланиш;

б) — комсомол органларига номзод кўрсатиш, сайлаш ва сайланиш, билдирилган ишончни оқламаган сайлаб қўйиладиган органлар аъзоларини муддатидан олдин чақириб олиш ва қайта сайлаш;

в) — комсомол йиғилишларида, конференцияларида, съездларида, комсомол органларининг мажлисларида, комсомол матбуотида комсомол фаолиятининг барча масалаларини муҳокама этиш, танқид қилиш, таклиф киритиш, ўз нуқтаи-назарини ҳимоя қилиш;

г) — ўзининг фаолияти ёки хулқ-атвори тўғрисидаги масала муҳокама қилинаётганда комсомол йиғилишларида, комсомол органларининг мажлисларида шахсан қатнашиш;

д) — ўзининг КПССга кириши учун тавсия этилишини сўраб комсомол ташкилотига мурожаат қилиш;

е) — то ВЛКСМ Марказий Қўмитасигача ҳар қандай комсомол органига саволлар, аризалар ва таклифлар билан мурожаат қилиш ҳамда ўз мурожаатига асосли жавоб талаб қилиш;

ж) — комсомол органларининг эркин ихтиёрида бўлган ахборотни олиш, комсомол ташкилотидаги ишларнинг аҳволини текширишда шахсан қатнашиш;

з) — принциплари ва фаолияти СССР Конституциясига зид келмайдиган, ВЛКСМ Ҳаракатномаси ва Устави бажарилишига тўсқинлик қилмайдиган бошқа жамоат ва сиёсий ташкилотлар ҳамда ҳаракатлар ишида қатнашиш;

и) — бир вақтнинг ўзида ҳам ўз бошланғич ташкилоти, ҳам бошқа ташкилот ишида қатнашиш ёхуд бир ташкилотдан бошқасига, ушбу ташкилотнинг розилиги билан ўтиш.

7. ВЛКСМ аъзоларининг вазифалари:

а) — ВЛКСМ Ҳаракатномаси ва ўз ташкилоти ҳаракатномасида белгиланган вазифаларни бажаришда қатнашиш;

б) — инсон ҳуқуқлари ва қадрини, умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилиш, ижтимоий қадриятни қарор топтириш, ўз меҳнати билан жамиятга фойда келтириш, СССР ва бутун дунё халқлари ўртасида дўстликни ва ўзаро тушунишни мустаҳкамлашга ҳисса қўшиш;

в) — ВЛКСМ ва ўз ташкилотининг обрўси ҳақида, комсомол сафига муносиб кишилар қабул қилиниши, ВЛКСМ Устави талабларига риоя этилишига ғамхўрлик қилиш;

г) — иттифоқда ўз муносабатларини ўртоқчилик, ҳурмат ва ўзаро ёрдам асосига қуриш;

8. ВЛКСМга аъзоликнинг тўхтатилиши.

ВЛКСМга аъзолик:

а) — ВЛКСМ аъзоси бу ҳақда бошланғич комсомол ташкилотини хабардор қилиб, комсомол билетини топширгандан кейин ўз хоҳишига кўра;

б) — ВЛКСМ аъзолиги муддатини чекловчи ёшга етиш муносабати билан, агар комсомол шу пайтга келганда комсомол органларига сайланмаган бўлса, комсомол ишида бўлмаса, кашшофлар етакчиси бўлиб ишламаётган ва ВЛКСМда бўлиш муддатини узайтириш тўғрисида ариза бермаган бўлса;

в) — комсомол сафидан чиқарилиши муносабати билан тўхтатилиши мумкин.

9. ВЛКСМдан чиқариш масаласи бошланғич ташкилотда кўрилади ва ҳал этилади. Йиғилишда қатнашаётган ВЛКСМ аъзоларининг ярмидан кўпи овоз бергандагина қарор қабул қилинган, деб ҳисобланади.

Сайлаб қўйиладиган орган аъзосини комсомолдан чиқариш тўғрисидаги қарор ушбу органга вакил қилган ташкилот томонидан қабул қилинади.

10. ВЛКСМ сафидан чиқарилган комсомол икки ойлик муддат ичида то ВЛКСМ Марказий Қўмитасигача бўлган юқори комсомол органларига шикоят аризаси бериш ҳуқуқига эга. Шикоят аризаси комсомол органлари томонидан бу ариза тушган кундан бошлаб кўпи билан бир ой муддат ичида кўриб чиқилади.

III ВЛКСМНИНГ ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛИШИ

11. Бошланғич комсомол ташкилотлари иш, хизмат, ўқиш, яшаш жойлари ва ижтимоий жиҳатдан аҳамиятли манфаатлари муштараклиги асосида тузилади.

12. Ўз фаолиятларини мувофиқлаштириш, регион миқёсидаги давлат, жамоат ташкилотлари ва органлари билан ҳамкорлик қилиш учун:

— ноҳия, шаҳар, мавзе, вилоят, ўлка, жумҳурият комсомол ташкилотларига, иттифоқдош жумҳуриятлар ЛКСМларига бирлашишлари мумкин;

— иттифоқдош жумҳуриятлар ЛКСМлари ва Қуролли Кучлар комсомол ташкилотлари ВЛКСМни ташкил этади.

Эслатма: Чет элда бўлган ВЛКСМ аъзолари тегишли мамлакатдаги совет маҳкамалари ва жамоалари комсомол ташкилотларига бирлашадилар. Чет эллардаги совет маҳкамалари ва жамоалари комсомол ташкилотлари бевосита ВЛКСМ таркибига кирадилар, ВЛКСМ Ҳаракатномаси ва Устави, ВЛКСМ МҚнинг норматив ҳужжатлари асосида ишлайдилар.

13. Зарур ҳолларда бошланғич комсомол ташкилотлари бевосита вилоят, ўлка, жумҳурият ташкилотлари, иттифоқдош жумҳуриятлар ЛКСМлари таркибига киришлари мумкин. Бу ҳақдаги қарор бошланғич комсомол ташкилоти ва тегишли сайлаб қўйиладиган орган томонидан қабул қилинади.

Ижтимоий жиҳатдан аҳамиятга молик манфаатлари муштараклиги асосида тузилган бошланғич комсомол ташкилотлари ҳудуди бўйича бирлашишлари ва ўз бошқарув органларини шакллантиришлари мумкин.

Бундай ҳолда уларнинг таркибидаги ўрни ва мақоми ўзлари ҳамда сайлаб қўйиладиган тегишли юқори орган томонидан белгиланади.

14. Ҳудудига кўра ноҳия, шаҳар, мавзе, вилоят, ўлка, жумҳурият, иттифоқдош жумҳуриятлар ЛКСМлари, ВЛКСМга бирлашган ташкилотлар ўз бошқарув органлари — комсомол қўмиталари (котиблар кенгашлари ва б.)ни ва назорат комиссияларини шакллантирадилар. Комсомол қўмиталари (котиблар кенгашлари) ушбу ташкилотнинг олий органи томонидан белгиланган ваколат доирасида комсомол ташкилотининг ишини мувофиқлаштирадилар.

Назорат комиссиялари назорат қилиш вазифаларини иттифоқдош жумҳуриятлар ЛКСМлари съездларида тасдиқланадиган назорат комиссиялари тўғрисидаги низомларига мувофиқ бажарадилар. ВЛКСМ Марказий Назорат Комиссияси ўз ишида ВЛКСМ съезди тасдиқлаган Низомга амал қилади.

15. Сайлаб қўйиладиган органлар мустақил равишда таркиби ва штатини белгилаган ҳолда ўз аппаратларини тузишлари мумкин.

16. Бошланғич ташкилот учун—умумий йиғилиш, конференция: ноҳия, шаҳар, мавзе, вилоят, ўлка, жумҳурият учун — конференция; иттифоқдош жумҳуриятлар ЛКСМлари ва ВЛКСМ учун — съезд **комсомол ташкилотларининг олий органидир.** Комсомол ташкилоти аъзоларининг ёки сайланган делегатларнинг ярмидан кўпи қатнашган тақдирдагина йиғилиш, конференция, съезд ҳуқуқий мақомга эга бўлади.

17. Мазкур ҳудуддаги комсомолларни бирлаштирган ташкилотнинг сайлаб қўйиладиган органи унинг таркибига кирувчи ҳамма комсомол ташкилотларининг сайлаб қўйиладиган органларига нисбатан юқори орган ҳисобланади.

IV. БОШЛАНҒИЧ КОМСОМОЛ ТАШКИЛОТЛАРИ.

18. Бошланғич ташкилот — бу ВЛКСМнинг негизи ҳисобланади.

Бошланғич ташкилотнинг ВЛКСМдаги мавқеи унинг қуйидаги ҳуқуқлари билан белгиланади:

а) — ҳал этишни юқори органлар ваколати доирасига ўтказган масалалардан ташқари ўз турмуши ва фаолиятидаги истисносиз барча масалаларни ҳал этиш;

б) — ВЛКСМга аъзолик билан боғлиқ барча масалаларни ҳал этиш;

в) — ВЛКСМ аъзоларини КПССга кириш учун тавсия этиш;

г) — Мустақил ўзининг ички тузилишини белгилаш ва бошланғич ҳамда комсомол гуруҳлари ҳуқуқидаги комсомол ташкилотлари тузиш;

д) — ҳуқуқий шахс ҳуқуқига эга бўлиш ёки бу ҳуқуқни ўзининг сайлаб қўйиладиган органига бериш, ўзининг молиявий маблағлари, жиҳозларига эгалик қилиш;

е) — ноширлик фаолиятини олиб бориш ва ўз ахборот органига эга бўлиш;

ж) — ўз вакилларини сайлаб қўйиладиган органларга тавсия қилиш, уларга наказлар бериш, сўровлар бериш, ҳисоботларини тинглаш, зарур ҳолларда чақириб олиш. Комсомол сайлаб қўйиладиган органларидаги вакиллари орқали давлат, жамоат ва умумкомсомол ишларини бошқаришда қатнашиш.

19. Бошланғич комсомол ташкилоти тузиш тўғрисидаги қарор камида уч ВЛКСМ аъзоси қатнашган таъсис йиғилишида қабул қилинади ва юқори комсомол органи томонидан рўйхатга олинади.

20. Бошланғич ташкилот комсомолларининг умумий йиғилиши ёки конференцияси комсомол қўмитасини ва (ёки) котибини сайлайди. Комсомол қўмитаси (котиб) комсомол ташкилотининг кундалик ишларини уюштиради. Бошланғич комсомол ташкилоти Назорат комиссиясини сайлаши мумкин. Комсомол йиғилишларини ўтказиш муддатини бошланғич ташкилот мустақил белгилайди.

21. Бошланғич ташкилотни тарқатиб юбориш ҳақидаги қарорни мазкур ташкилотнинг умумий йиғилишида қабул қилади. Унинг фаолияти амалда тўхтаб қолган тақдирда, шунингдек, унинг фаолияти ВЛКСМ Ҳаракатномаси ва Уставига зид бўлган тақдирда комсомол ташкилотини тарқатиб юбориш ҳақидаги қарорни юқори орган қабул қилади.

22. Бошланғич комсомол ташкилотлари ва бошланғич ташкилот ҳуқуқига эга бўлган ташкилотлар комсомол қўмиталарига иттифоқдош жумҳуриятлар ЛКСМларининг норматив ҳужжатларига мувофиқ комсомол ҳужжатларини топшириш масалалари юзасидан ноҳия комсомол қўмитаси ҳуқуқлари берилиши мумкин.

V. ИТТИФОҚДОШ ЖУМҲУРИЯТЛАР ЛЕНИНЧИ КОММУНИСТИК ЁШЛАР ИТТИФОҚИ

23. Иттифоқдош жумҳуриятлар Ленинчи Коммунистик Ёшлар Иттифоқлари иттифоқдош жумҳуриятлар ёшларининг кўнгилли, мустақил ва ташаббускор ижтимоий-сиёсий ташкилотларидир.

24. Иттифоқдош жумҳуриятлар ЛКСМлари кўнгиллилик ва тенг ҳуқуқлилик асосида ВЛКСМга бирлашадилар ва ВЛКСМнинг олий ҳамда сайлаб қўйиладиган марказий органларидаги кафолатланган вакиллилик орқали умумкомсомол масалаларини ҳал этишда қатнашадилар. Улар барча ҳуқуқларга тўла эгалар, буларнинг бир қисмини ВЛКСМнинг сайлаб қўйиладиган марказий органлари ихтиёрий равишда бериб, жамоачилик билан ВЛКСМ съезди қарорлари ва комсомол Уставида мустаҳкамлаб қўядилар. Шунга мувофиқ улар ВЛКСМ Ҳаракатномаси ва Уставига, съезд ва ВЛКСМ МҚ қарорларига амал қиладилар.

25. Иттифоқдош жумҳуриятлар ЛКСМлари ВЛКСМ Ҳаракатномаси ва Уставига, иттифоқдош жумҳурият Конституцияси ва қонунларига зид келмайдиган ўз ҳаракатномалари ва уставларига эга бўлиши мумкин. Шунга мувофиқ, иттифоқдош жумҳуриятлар ЛКСМлари ўз турмуши ва фаолияти, тегишли давлат органлари ва жамоатчилик ташкилотлари билан ўзаро ҳаракат, ёшларнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий муаммоларини ҳал этишда ўз иттифоқи аъзолари манфаатларини ҳимоя қилиш, хориждаги ташкилотлар билан алоқа ўрнатиш, ноширлик фаолияти билан боғлиқ истисносиз барча масалаларни ҳал этади.

26. Барча иттифоқдош жумҳуриятлар ЛКСМлари ВЛКСМ таркибидан чиқиш ҳуқуқига эгадирлар. Чиқиш ҳақидаги қарор иттифоқдош жумҳурият ЛКСМи ҳисобида турган ВЛКСМ аъзоларининг учдан икки кўпчилик қисми ёқлаб овоз берган тақдирда референдум якунларига кўра қабул қилинади.

Қабул қилинган қарор ҳақида ВЛКСМ МҚ хабардор қилинади.

27. Иттифоқдош жумҳуриятлар ЛКСМларининг хусусий ваколатлари:

а) — ўз иттифоқи ташкилотларининг тузилишини, сайлаб қўйиладиган органларни шакллантириш тартибини белгилаш;

б) — иттифоқ бюджетини белгилаш, турли муассасалар ва корхоналар тузиш ҳамда уларнинг фаолиятига раҳбарлик қилиш;

в) — комсомолларнинг ҳисобини олиш, иш юритиш, комсомолларга кўриладиган чора турларини белгилаш.

ВЛКСМ Уставига белгиланган нормалардан ташқари ички иттифоқ фаолиятининг барча нормалари иттифоқдош жумҳуриятлар ЛКСМлари ваколатидадир.

Иттифоқдош жумҳуриятлар ЛКСМлари қўшимча рамзга эга бўлишлари мумкин.

VI СССР ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИНИНГ ВЛКСМ ТАШКИЛОТИ.

28. СССР Қуролли Кучларининг ВЛКСМ ташкилоти ўз сафларида комсомол аъзоси бўлган ҳарбий хизматчиларни, СССР Мудофаа министрлиги муассасалари, корхоналари ва ташкилотларининг ишчи ва хизматчиларини бирлаштиради.

СССР Қуролли Кучларининг ВЛКСМ ташкилоти ВЛКСМ Ҳаракатномаси ва Устави, ВЛКСМ МҚ ҳамда Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флоти Бош сиёсий бошқармасининг Низоми асосида ишлайди. Қолган жиҳатлари бўйича СССР Қуролли Кучларининг ВЛКСМ ташкилоти иттифоқдош жумҳуриятлар ЛКСМлари ҳуқуқига эга.

VII. ВЛКСМНИНГ МАРКАЗИЙ ОРГАНЛАРИ.

29. Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ёшлар Иттифоқининг олий органи — ВЛКСМ съезди ҳисобланади. ВЛКСМнинг навбатдаги съездлари ВЛКСМ МҚнинг пленуми томонидан 3 йилда бир марта чақирилади.

ВЛКСМнинг навбатдан ташқари съездлари ВЛКСМ МҚнинг пленуми томонидан, шунингдек иттифоқдош жумҳуриятлар ЛКСМларининг камида тўртдан бир қисмининг талаби ёки ўз таркибида ВЛКСМ аъзоларининг камида тўртдан бир қисмини бирлаштирган комсомол ташкилотларининг қарори билан чақирилади.

Съездни чақириш муддати ва кун тартиби съезддан камида уч ой илгари эълон қилинади. ВЛКСМ съездига ваколатлар нормасини ВЛКСМ МҚ пленуми белгилайди.

ВЛКСМ съезди делегатлари ВЛКСМ съезди белгилаган тартиб бўйича сайланадилар.

30. ВЛКСМ съезди ВЛКСМнинг турмуши ва фаолиятига доир истисносиз барча масалаларни ҳал этади, умумий сиёсий йўлини ва комсомолнинг навбатдаги вазифаларини белгилайди.

ВЛКСМ съездининг хусусий ваколатлари:

а) — ВЛКСМ Марказий Қўмитаси ва ВЛКСМ Марказий Назорат Комиссияси (МНК) ҳисоботларини тинглаш, муҳокама қилиш ва улар юзасидан қарорлар қабул қилиш;

б) — ВЛКСМ Ҳаракатномаси ва Уставини қабул қилиш;

в) — ВЛКСМ МНКни сайлаш ва ВЛКСМ МНК тўғрисидаги Низомни қабул қилиш;

ВЛКСМ съезди унда қатнашаётган делегатлар орасидан кўпчилик овоз билан ВЛКСМ МҚнинг биринчи котибини сайлайди, комсомол ташкилотлари томонидан сайланган ВЛКСМ Марказий Қўмитаси аъзоларининг ваколатларини тасдиқлайди.

31. ВЛКСМ съездлари ўртасидаги даврда комсомолнинг ишини ВЛКСМ Марказий Қўмитаси унга ВЛКСМ съезди белгилаган ваколатлар доирасида мувофиқлаштириб туради.

Ундан ташқари ВЛКСМ МҚ:

а) — ВЛКСМ пленумлари ўртасидаги даврда комсомол ишларини ташкил этиш учун МҚ аъзоларидан Марказий Қўмита Бюросини тузади;

б) — ВЛКСМ МҚ биринчи котибини қайта сайлайди, ВЛКСМ МҚга янгидан вакил қилинганларнинг ваколатларини (ВЛКСМ МҚ аъзоларининг учдан икки кўпчилик овози билан) тасдиқлайди;

в) — марказий орган — «Комсомольская правда» рўзномасининг муҳарририни тасдиқлайди;

г) — ВЛКСМ съездлари, Бутуниттифоқ комсомол конференцияларини чақириш, уларни ўтказиш вақти ва жойи, делегатларнинг ваколатлар нормаси тўғрисида қарор қабул қилади:

д) — кундалик ишни амалга ошириш ва ВЛКСМ МҚ аппаратига раҳбарлик қилиш учун ВЛКСМ МҚ котибларини сайлайди;

е) — аппаратнинг тузилишини, штатини, ВЛКСМ МҚ бюджети ва унинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлайди.

Эслатма: ВЛКСМ МҚ аппаратининг таркиби ВЛКСМ МҚнинг биринчи котиби томонидан шакллантирилади ва ВЛКСМ МҚ Бюроси муҳокамасига қўйилади.

32. ВЛКСМ МҚ пленумлари ВЛКСМ МҚ Бюроси томонидан камида 6 ойда бир марта чақирилади. Пленумни чақириш муддати ва кун тартиби пленумга одатда камида бир ой қолганда эълон қилинади.

ВЛКСМ МҚнинг навбатдан ташқари пленуми ВЛКСМ МҚ Бюроси ташаббуси, шунингдек ВЛКСМ МҚ аъзоларининг камида тўртдан бир қисмининг ёки иттифоқдош жумҳуриятлар ЛКСМлари МҚлари аъзоларининг камида тўртдан бир қисмининг талаби билан чақирилади.

ВЛКСМ МҚ пленуми ВЛКСМ МҚга сайланган аъзоларнинг ярмидан кўпи қатнашган тақдирдагина ҳуқуқий мақомга эга бўлади.

33. Назорат қилиш вазифасини ўташ учун ВЛКСМ съезди ВЛКСМнинг Марказий Назорат Комиссиясини сайлайди.

ВЛКСМнинг Марказий Назорат Комиссияси ВЛКСМ Устави талабларига, ишларнинг белгилангандек ўтиш, комсомолнинг марказий органларига ёзилган хат, ариза ва шикоятларни кўриш тартибига риоя этилишини назорат қилади; комсомол бюджети ижросининг тўғрилигини, шунингдек ВЛКСМ МҚ корхоналари ва муассасаларининг молиявий-хўжалик фаолиятини ва бошқаларни ВЛКСМ МНК тўғрисидаги Низомга мувофиқ назорат қилади.

VIII. БУТУНИТТИФОҚ КОМСОМОЛ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ ВА РЕФЕРЕНДУМЛАРИ.

34. ВЛКСМ съездлари ўртасидаги даврда комсомолнинг шошилинч сиёсий ва ички иттифоқ муаммоларини ҳал этиш учун ВЛКСМ МҚнинг пленуми қарори ёки иттифоқдош жумҳуриятлар ЛКСМларининг камида тўртдан бир қисмининг талаби билан Бутуниттифоқ комсомол конференцияси чақирилиши мумкин. Конференцияни ўтказиш тартибини, ваколатлар нормасини ва делегатлар сайлаш тартибини ВЛКСМ МҚнинг пленуми белгилайди.

Бутуниттифоқ комсомол конференцияси ВЛКСМ Ҳаракатномаси ва Уставига ўзгартиришлар кирита олади, ВЛКСМнинг сайлаб қўйиладиган марказий органларини ва уларнинг ваколатлари, ВЛКСМ МҚнинг биринчи котибини ҳамда ВЛКСМ МНК аъзоларини сайлаш, шунингдек, бошланғич ташкилотлар ва ВЛКСМ аъзоларининг ҳуқуқларини чекловчи қоидаларга оид масалалар бундан истиснодир.

Бутуниттифоқ комсомол конференциясининг ВЛКСМ Ҳаракатномаси ва Уставига ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қарорини ёқлаб конференцияга сайланган делегатларнинг камида учдан икки қисми овоз берган тақдирда қабул қилинган, деб ҳисобланади.

35. ВЛКСМ съездлари ўртасидаги даврда ВЛКСМ МҚ пленуми қарорига мувофиқ ёки иттифоқдош жумҳуриятлар ЛКСМларининг камида тўртдан бир қисмининг ташаббуси билан комсомол турмуши ва фаолиятида вужудга келган энг муҳим сиёсий ва ички иттифоқ муаммоларини, шунингдек, ВЛКСМ съезди қарор қабул қила олмаган муаммоларни ҳал этиш учун Бутуниттифоқ комсомол референдуми ўтказилиши мумкин.

Бутуниттифоқ комсомол референдуми ВЛКСМ Ҳаракатномаси ва Уставига қисман ўзгартишлар киритиш ҳуқуқига эга.

Бутуниттифоқ комсомол референдумида ВЛКСМ аъзоларининг ярмидан кўпроғи иштирок этгандагина ваколатли деб ҳисобланади. Референдум қарорини унда иштирок этган комсомолларнинг ярмидан кўпроғи ёқлаб овоз берса, қабул қилинган деб ҳисобланади.

Эслатма: Агарда референдум муҳокамасига иттифоқдош жумҳурият ЛКСМи ҳуқуқидаги масала қўйилган бўлса, у ҳолда ҳар бир иттифоқдош жумҳуриятдаги ВЛКСМ аъзоларининг ярмидан кўпи овоз берган тақдирдагина қарор қабул қилинган деб ҳисобланади.

IX. КОМСОМОЛ ВА В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ БУТУНИТТИФОҚ КАШШОФЛАР ТАШКИЛОТИ

36. ВЛКСМ ва В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ кашшофлар ташкилотини ғоявий бирлик ва биргаликдаги фаолият боғлаб туради. Комсомол кашшофлар ташкилотини ривожлантириш ва самарали ишлаши учун шароит яратиш ҳақида ғамхўрлик қилади, унга илмий-методик ва моддий-молиявий ёрдам беради, кадрлар тайёрлашда кўмаклашади.

Кашшофлар ташкилоти вакилларига комсомолнинг сайлаб қўйиладиган органларида бўлишларига кафолот берилади. Кашшофлар ташкилотида ишлаётган ВЛКСМ аъзолари тегишли комсомол қўмитаси белгилаб қўйган миқдор бўйича кашшофлар ташкилотлари кенгаши томонидан сайлаб қўйиладиган орган таркибига сайланадилар.

X. ВЛКСМ МУЛКИ

37. ВЛКСМ мулки социалистик жамоат мулки шаклларидан биридир.

ВЛКСМ мулкига пул маблағлари, бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналар, комсомол ташкил қилаётган корхоналар, Ҳаракатномадаги ва Уставдаги вазифаларни амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа нарсалар киради.

Бошланғич, ноҳия, шаҳар, мавзе, вилоят, ўлка, жумҳурият комсомол ташкилотлари, иттифоқдош жумҳуриятлар ЛКСМлари, Қуролли Кучлар комсомол ташкилотлари, ВЛКСМ ўзларининг сайлаб қўйиладиган органлари тимсолида ВЛКСМ мулкининг ўз даражалари миқёсида шаклланган қисмига эгалик қиладилар ва ҳуқуқий шахс ҳисобланадилар.

Комсомол корхоналари, нашриётлари, ёшлар рўзномалари ва журналлари, муассасалари, хўжалик ташкилотларини тузиш, ишлаш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартибини ВЛКСМ МҚ ва иттифоқдош жумҳуриятлар ЛКСМлари МҚлари ССР Иттифоқи ва иттифоқдош жумҳуриятлар қонунларига мувофиқ белгилайдилар.

ВЛКСМ МҚ ва иттифоқдош жумҳуриятлар ЛКСМлари МҚлари ташқи иқтисодий фаолиятни ўз вазифалари ва ССР Иттифоқи ҳамда иттифоқдош жумҳуриятлар қонунларида белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширадилар.

ВЛКСМнинг пул маблағлари аъзолик бадалларидан, комсомол ташкилотларининг тадбирларидан тушадиган маблағлардан, сайр-саёҳат ва ташқи иқтисодий фаолият даромадларидан, ноширлик ва нашрлар, комсомол корхоналари ва хўжалик ташкилотлари ва бошқа фаолият турларидан олинадиган фойдалардан келадиган тушумлардан ҳосил бўлади. Шунингдек, фуқароларнинг ва корхоналарнинг ихтиёрий бадаллари, пул ўтказишлари ҳам ВЛКСМ даромади бўлиши мумкин.

ВЛКСМнинг бюджети қуйидан юқорига қараб шаклланади. Ойлик аъзолик бадали қуйидагича миқдорда белгиланади:

— ойига 80 сўмгача даромад оладиганлар — 20 тийин;

— ойига 81 сўмдан 100 сўмгача даромад оладиганлар — 0,5 фоиз;

— ойига 101 сўмдан 150 сўмгача даромад оладиганлар — 1,0 фоиз;

— ойига 150 сўмдан кўп даромад оладиганлар — 1,5 фоиз тўлайдилар:

ВЛКСМ аъзоси бўлган ўқувчилар ва талабалар нафақаси олмайдиган талабалар аъзолик бадалини фақат ишлаб топган маблағларидан тўлайдилар.

Даромад олмайдиган ВЛКСМ аъзолари ҳомиладорлиги туфайли ёки фарзанд парвариши бўйича таътилда бўлганлар сингари, шунингдек ижтимоий суғурта фондидан нафақа олувчилар бошланғич ташкилотнинг қарори билан аъзолик бадали тўлашдан озод қилинишлари мумкин.

Комсомол ташкилотларининг мулкидан ВЛКСМ аъзоларининг манфаатлари учун ўзлари белгилаган вазифаларини амалга оширишда фойдаланилади.

ВЛКСМнинг штаб-уйи Москва шаҳрида жойлашган.

Ёшлар ижоди



А. ҚОДИРОВА. Бухоро вилоятининг Шофиркон ноҳиясида туғилган. ТошДУнинг журналистика факультетини тугатган.

Шеърлари жумҳурият матбуотида эълон қилинган.

Кўнгил

Тун ортидан жўралар ҳиқроқ,
Шуълалардан уйғонар соғинч.
Кўкрагингни тирнар ҳаяжон,
Хотирларга суянар соғинч.
Чирқиллайди тоқчада соат
Умр унинг ўлгиз қўшиғи.
Кўз ўнгимда маъюс бир сурат.
Эзилмаган қалбим бўшлиғи.

Юрагингнинг сўнгсиз дардига,
Қайдан малҳам излаб юрибсан.
Яраланган севгинг қадрига
Кимдан паноҳ истаб турибсан.
Унутганинг илк муҳаббатни
Унутолмай қийналади дил.
Оғир юкли хиёнатингни
Кечиролмай йиғлайди кўнгил.

Шамол

Қўй эслатма у кунни шамол,
Эрмак истаб титма хотирни.
Не истасанг керагича ол,
Қўй эшигин очма хотирнинг.
Сен барибир тушунмайсан-ку

Севги нима, садоқат нима?
Уз-ўзимни тушунмайман-ку,
Сабр надир, ё тоқат нима!
Уз ҳолимга қўй мени шамол,
Ул одамни эслашим оғир.
Сен учириб кетган гул рўмол
Хотиралар гувоҳи ахир.


* * *

Қушларга ростин айтдим —
улар сотмаслар,
Гулларга ростин айтдим —
улар алдамаслар,
Сенга ёлғон айтаман...
кечир.

* * *

Шубҳа эзади юракни,
Хавотир қарайди йўлга —
Сабр ухлаб қолган кечада.

Амина ҚОДИРОВА.



УЛАР ҲИНДИСТОНГА БОРАДИЛАР

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радио эшиттириш Давлат комитетининг «Тановор» фольклор-хореографик ансамбли аъзолари шу йил баҳорда Ҳиндистонда намойиш этиш учун янги программа яратдилар. Бу программага кирган айрим номерлар айни кунларда жумҳуриятимиз саҳналарида намойиш этилмоқда.

Маълумки, ансамблнинг ташкил этилганига бир йил тўлди, холос. Унда Маданият министрлигининг Тошкент хореография билим юрти ўқувчиларидан йигирма нафар йигит-қиз жам бўлишган. Ансамбль раҳбари Юлдуз Исматованинг айтишича, коллективнинг асосий мақсади ўзбек халқининг анъана ва маросимларини рақсда тиклашдан иборат.

Суратда: Ансамблнинг бадиий раҳбари Юлдуз Исматова (чапда) ва рақкоса Нигора Жуманий.

Р. НУРИДДИНОВ ва Ф. ҚУРБОНБОЕВ суратга олишган.

(ЎзТАГ).

КУТИЛМАГАН ҚАРОР

Мамлакат футболи тарихида ҳеч ким кутмаган воқеа рўй берадиганга ўхшайди. Грузия футбол федерациясининг таъсис съездида кўпчилик овоз билан ғаройиб қарор қабул қилинди. Бу йилги мавсумда Грузия командалари СССР чемпионатида иштирок этмайди. Грузия футболчилари жумҳуриятнинг мустақил, миллий чемпионатида қатнашадилар.

Грузия футбол федерацияси нега бундай қарорга келди?

Сабаблари қуйидагича кўрсатиляпти: мамлакатимизнинг бир қатор регионларидаги сиёсий аҳволнинг мураккаблашганлиги ҳамда бошқа шаҳарларга учрашувларга бораётган спортчиларнинг хавфсизлигига кафолат йўқ.

Бу қарор футбол мутахассисларини ҳам таажжубга, ҳам ташвишга солиб қўйди. Мамлакат чемпионатида грузин футболчиларининг қатнашмаслиги барча футбол мухлисларини ранжитмоқда. Устига-устак СССР терма командасини шакллантиришда ҳам муаммолар туғдириши табиий. Чунки мамлакат терма командаси сафида грузинликлар оз эмас.

Шуни ҳам айтиш керакки, СССР футбол федерацияси Грузия футбол федерациясининг мазкур қарори ҳақида маълумотга эга эмаслигини билдирди...

АЁЛЛАР ЭРКАКЛАРГА ҚАРШИ

Бир тасаввур қилинг. Стадионда эркаклар аёллар билан футбол ўйнашяпти. Ҳа, ишонаверинг, яқинда ана шундай учрашув космонавтлар шаҳарчаси бўлмиш Звёзднийда бўлиб ўтди. Бу учрашувни орзиқиб кутганлар ҳам кўп эди. Чунки аёлларга қарши майдонга тушиш...

Мамлакатимизда футбол бўйича аёллар терма командасининг тузилганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Қисқа вақт ичида командага анчагина тажриба орттирган қизлар келиб қўшилди. Ўша кунги учрашувга ҳам улар жуда қизғин тайёргарлик кўришган эди. Ўйин бошланишига ҳуштак чалинганида дастлаб эркаклар ўзларини анча ноқулай сезишди. Уларнинг рақиблари эса бўш келишмасди. Кутилмаган комбинациялар уюштириб, йигитларни шоширибқўйишди. Аммо космонавтлар ҳам қараб туришмади. Ахир уларга ютқазиб қўйишса борми, кейин кўринг томошани.

Биринчи бўлимда космонавтлар ҳисобни очишга муваффақ бўлдилар. Иккинчи бўлимнинг ярмига келиб эса қизлар ҳисобни тенглаштиришди. Иккинчи бўлим анча кўтаринки руҳда ўтди. Иккала томон ҳам дарвозаларга биттадан тўп киритиб, дуранг натижага эришдилар.

Бизни ўйлантираётган муаммолар

ЖАРОҲАТ...

УН ЕТТИ ЙИЛДАН БУЁН ИЗТИРОБ ЧЕКАЁТГАН НОГИРОН ЙИГИТ ТАҚДИРИ ҲАҚИДА

ЧАШМАНИНГ ажойиб ҳислати бор. У қишин-ёзин уйғоқ, ҳаракатда. Тўсиқларни емириб, ўзига йўл топади, тоғу-тош ошиб, дов-дарахтларга, қовжираётган ўт-ўланларга, борлиққа ҳаёт бахш этади. Дўстим Муҳаммаджон Шароповни эслаганимда беихтиёр кўз ўнгимда шундай манзара намоён бўлиб, қувончдан қалбим депсиниб кетади. Эл-юрт учун фидойи, куйинчак комсомол шунчалик бўлар-да! Назаримда ҳалоллик ва поклик рамзи бўлган чашма билан шу йигит умри ўртасида муштараклик бордек. Негаки, у ҳам тақдирга бўйсунмай, довонларни забт этди.

...Ҳар гал қўлимга қалам олганимда кўз ўнгимда ҳанузгача исмидан «иғвогар», «ёзувчи» деган ёрлиқни ўчиролмай азият чекиб, эртадан кечгача эшикка кўз тикиб ўтган жабрдийда, касалманд Муҳаммаджоннинг заъфарон, дардчил сиймоси гавдаланиб, юрагим туз сепгандек ачишади.

— Пахта деб шу кўйга тушдим, — дея хотирлайди ўша машъум кунларни I группа ногирони М. Шаропов. — Ўзбек оиласининг тирикчилиги ҳаммага маълум. Биз ҳам тўрт ака-укалармиз. Отамизнинг топгани еганимизга етса, кийим-бошимизга етмасди. Шунинг учун биз — эр болалар баҳоли қудрат далага чиқиб ишлардик. Ҳарна 4-5 сўм оилага фойда-да! Турғунлик йилларининг раҳбарлари сохта шон-шуҳрат учун бизни эртадан кечгача ишлатишар, кечқурунлари ота-онамиз назоратидан четда, дала шийпонларида ухлашга мажбур этишарди. Агар айтганини қилмасак, қўлимиздан кетмонни олиб даладан ҳайдаб юборишарди. Ўшанда дўстим Рустам билан Шохширавон қабристони ёнидаги беш гектарлик майдонда ўқариқ тортардик. Механизатор О. Тўхтаев эса изма-из культивация қилиб келарди. Ҳаддан ташқари чарчаганимиз, кечқурун уйқуга тўймаганимиз боиси, эрталаб соат ўнларда жўякнинг ичида ухлаб қолибмиз. Август ойлари эмасми, пахталар одамни чўмиради... Бир пайт қаттиқ оғриқ зарбидан чинқириб юбордим. Белимдан культивациясига илдирганича трактор судраб кетарди. «Онажон!» деганимни биламан, холос. Кейин вилоят касалхонасига олиб борибдилар. СССР нейрохирурглар жамияти правлениеси аъзоси, тиббиёт фанлари номзоди жарроҳ Раҳмон Ёқубовнинг маҳоратигина мени ўлим чангалидан сақлаб қолди. Тўрт соатлик операциядан сўнг мен қайта туғилдим. Рустам эса ўша воқеа содир бўлган жойдаёқ кўз юмибди.

Муҳаммаджоннинг ўпкаси тўлиб кўзларига ёш қалқиди. Унинг бу ҳолатини кўриб кўнглим бузилди. Тасалли беришга ожиз эдим. Томоғимга бир нарса тиқилгандек. Бироздан сўнг у қизариб кетган кўзларини кафти билан артиб, чуқур «уф» тортди:

— Армонли дунё экан-да, ака. Билмадим гўдаклигимда онажонимнинг кўкракларини қаттиқ тишлаган эканманми, бошим дарддан, танам маломатлардан чиқмади ҳеч. Бу ситамлар етмагандек худо менга ўз фарзандлик бурчимни адо этишни ҳам кўп кўрди. 16 йил еру кўкка ишонмай, болам-боламлаб катта қилган онажонимнинг гўрига бир сиқим тупроқ ташлай олмаганим юрагимда умрбод армон бўлиб қолди.

У қанчалик хотиржам, вазмин гапиришга ҳаракат қилмасин барибир овози титраб чиқарди. — Одамнинг боши тошдан қаттиқ деганлари рост экан. Вақт ўтган сайин ҳамма нарсага кўникаркансан киши. Мен учун оилада бир-бирингни қалбан тушуниб, бир-бирингга мадад бўлиб яшашдан ҳам ортиқ бахт йўқ дунёда. Олти йилдирки, Лола билан аҳлтотув яшаб келаяпмиз. Мендек ярим тан, ярим жон йигитга ўз умрини пайваста этиб, бир ёстиққа бош қўйган шу қизга умр бўйи таъзим қиламан.

Ўртага оғир сукунат чўкди. Атрофга разм соламан: чоғроққина хона. Бурчакда телевизор, дераза рахида ёзув машинкаси, тувакда гул. Деворларда унинг қариндош-уруғлари билан тушган суратлари. Боши томондаги тумбочка устида телефон аппарати, аллақандай дори-дармонлар, кичкинагина блокнот. Юрагимни ғашликка ўхшаш хира зулмат қоплайди, вужудим уюшади. Уй ичини эса даҳшатли сукунат қоплаганди. Охири, бардошим чидамади, йигитни ғамгин хаёллардан чалғитмоқчи бўлдим.

— Қалай, қуда томон келиб туришибдими?

Шу пайтгача жимгина ўтирган Лола ялт этиб эрига қаради, кейин чуқур сўлиш олди. Ҳайрон бўлдим.

— Келиб кетишмайди! — Муҳаммаджон надомат билан бош чайқади.

— Нега?

— Билмадик, — Лола елкасини қисди, сўнг жиққа ёшга тўлган кўзларини яшириш учун секин ўрнидан туриб, қўшни хона томон юрди. Унинг шарпаси узоқлашгач:

— Кечирасиз, Муҳаммаджон, билмабман, — дедим ноўрин берган саволимдан ҳижолат бўлиб. — Ҳозир келишади дейишганди, шунга...

— Худо урганни пайғамбар ҳам ҳассаси билан туртган экан, — гапимни бўлди йигит. — Лола уйидагиларни жуда соғинган. Баъзан мендан яширинча юм-юм йиғлайди. Айби қочиб келиб менга теккани. — Муҳаммаджон оғир хўрсинди. — Э-ей, табиатнинг бу қалтис ўйинлари олдида бошим қотиб қолди, ака. Гоҳида кечалари уйқум қочиб кетади. Э, худо сенга нима ёмонлик қилган эдимки, мени бунча хўрлайсан, дейман. Тангизга бир ўйлаб кўринг, дунёга келиб нима кўрдим мен?!

Энди жавоб беришга шайланган эдим, оҳиста эшик очилиб кўзларида болаларга хос ҳадиксираш аломати зоҳир бўлган 4—5 ёшлардаги қизалоқ кирди, суҳбатдошимнинг олдига келди. Унинг юз-кўзларида Муҳаммаджоннинг андозасини кўриб, таажжубландим. Шу пайт йигит:

— Қизим, амакингга ассалом қилмадинг-ку? Қани, бориб кўришгин, — деди.

Қизча хиёл ўнғайсизланиб қўлини узатди. У билан кўришар эканман, шоколад узатдим. У «совға»ларни элтиб, Муҳаммаджонга берди.

— Исминг нима? — сўрайман ундан.

— Маъмура, — деди қизча уялибгина.

— Кимнинг қизисан? — қизиқсиниб сўрайман яна.

— Катта опамнинг кенжа қизлари, — жавоб берди Муҳаммаджон. — Бизга фарзандликка беришган. Онамнинг исмларини қўйдик. Суячиғимиз ҳам, бойлигимиз ҳам шу жигаргўшамиз, — у қизчанинг бошини силади. — Тўғрими қизим?! Эртага беш ёшга тўлади. Туғилган куни. Сиз ҳам келинг, биргалашиб нишонлаймиз.

Бир сесканиб тушдим. Бўғзимга алланима тиқилгандек аранг ютиндим. Ҳолатимни ниқобламоқчи бўлиб, йўталдим.

— Албатта келаман! — дедим ҳайратомуз тикилиб турган қизалоққа қараб, сўнг. — Янги шеърлардан бўлса ўқинг, эшитайлик, — дедим мавзуни бошқа томонга буриб.

Муҳаммаджоннинг анчадан бери қувонч кўрмаган дардчил чеҳрасига ним табассум ёйилди. Адоғсиз ғамандуҳ чўккан кўзларида хиёл шуъла жилваланиб, қўлига блокнотини олди.

У шеър ўқиди, мен эшитдим, йўқ, йўқ, у ширин орзулари абадий саробга айланганини айтиб фиғон қилди, мен тингладим. Йўқ, у қалбида ёшлик куртаклари юз очмай хазонга учраганини айтиб нола қилди, йиғлади. Мен кару гунг бўлиб, кўзимда ёш билан унга ошно бўлиб ўтирдим...

* * *

— Илтимос, ака, сиз ҳам мени иғвогар, ёзувчи деб ўйламанг. Мен қадр-қиммати топталган бир инсон ўрнида сизга кўнгил сирларимни айтаяпман, — дея минг бир ҳижолатда ўз ҳикоясини бошлади Муҳаммаджон. — Менга ҳеч нарса керак эмас, фақат тўғри тушунишса шунинг ўзи кифоя. Воқеа бундай бўлганди. Саксонинчи йилларнинг бошларида жамоа хўжалиги маъмурияти хўжаликлардан ҳар йили гўшт планини бажариш учун 50-60 сўмдан пул йиғиб оларди. Ахир, эртадан кечгача далада тупроқ, чанг ютиб юрган деҳқоннинг оладиган ойлиги бир мисқи бўлса-ю, яна ундан емаган сомсаси учун пул талаб қилишса-я?! Ўзингиз бир ўйлаб кўринг. Шу бечоралар ҳам дунёга бир маротаба келишади-ку?! Улар ҳам яхши яшаб, яхши кийинсам дейди. Шу сабабли меҳнат қилишади. Ё гапим нотўғрими? Уларнинг бу қилаётган ишлари ейман-ичаман деб турган ҳар бир хонадонда 4—5 нафар фарзанди бор деҳқон учун ўта ҳурматсизлик эмасми?! Мен ана шу муаммони ҳал этишда ёрдам сўраб райкомга ёздим. Улар ҳақиқатни очиб, масалани ижобий ҳал этиш ўрнига менга дағдаға этиб, тавқи лаънатлар тамғасини босиб номимни булғашди. Ахир мен улардан адолат кутган эдим-ку?! Бу туҳматларга чидолмай қасдма-қасдига юқорига ёзавердим...

Ҳа, эл оғзига элак тутиб бўлмас экан. Илло, узоқ йиллардан бери касаллик тўшагида ётган ярим тан, ярим жон, йигитнинг Пешку ноҳиясида ажабтовур «ҳунарлар» кўрсатиб, партия ва совет ташкилоти раҳбарларига тинчлик бермаётганлиги оғиздан-оғизга ўтиб шахсан «биринчи»га бориб етди. Ўзини хон, кўланкасини майдон санаб юрган обкомнинг собиқ биринчи котиби А. Каримов дарғазаб бўлиб, ноҳия партия қўмитасидагиларга қўнғироқ қилиб, «иғвогар, ёзувчи» боланинг танобини тортиб қўйишни буюрди. Акс ҳолда унга қийин бўлишини иддао билан таъкидлади. Бир-икки корчалон раҳбар келиб: «Нима қиласан ўт билан ўйнашиб, катталарни тинч қўй, деб насиҳат қилишди, соғлиғингни ўйла, нима зарур бўлса тайёр этиб берамиз», деб ваъда беришди. Шунда ҳам йигит шаштидан қайтмади. Қайтанга у шахсан «биринчи»нинг нозик жойларини нишонга олиб, «ота» бошлади. Қайта қуришнинг дастлабки йилларида учган тилсиз-забонсиз, аммо дард-ҳасратга тўла аламли нолалар, юқори маҳкамалар эшигини тобора қаттиқроқ қоқа бошлади. Ўз тақдирига бўйсунмаган ногирон йигит кураша-кураша охири енгиб чиқди. Шундагина унга қарши тош кўтарганлар илк дафъа ҳушёр тортиб, донишмандларнинг: «Бурсиқиб ёнаётган оловдан қўрқ, кеч алангаланади-ю, ловиллаб ҳўлу қуруқни баббаравар ёндиради» деган нақлларини тушуниб етишди. Шу боис, дастлаб ҳақиқат излаган йигитга «иғвогар», «ёзувчи» таъна-ёрлиқларини ёпиштирганлар, дўппи тор келганида тилларидан бол томиб «ёш ижодкор», «умидли қаламкаш» дея уни мақташди, улуғлашди. Уларнинг бу илтифотлари-кароматлари бежиз эмасди. Муддао, йигит ўз ёзган аризаларидан тониб, уларга «ҳеч қандай даъвом йўқ» деб икки энлик хат ёзиб бериши керак эди. Бироқ Муҳаммаджон бу ишни қилмади, уларнинг раъйига қарши борди. Яна ёзди, ёзаверди...

— Ўша пайтлар энг юқори органлардан жамоа хўжалигига тафтиш келиб ағдар-тўнтар бошланганди. Ўзларини уста пахтакор, ҳақиқий коммунист ҳисоблаган фаришталар элнинг лаънатига учради. Тафтиш даврида хўжаликда анча-мунча ғирромликлар бўлганлиги, хилма-хил сохта ҳужжатлар, армияга кетганлар, «ўлик жонлар» учун кўп йиллардан буён катта миқдорда пуллар ўзлаштирилаётганлиги аниқланди. Кўзбўямачилик ва қўшиб ёзишларга хотима берилди. Жамоа хўжалигининг бош мутахассислари устидан тергов бошланиб, кўпчилиги ҳибсга олинди, айримлари КПСС Уставига мувофиқ партиявий жазоланди, шахсан обкомнинг собиқ биринчи котиби нима бўлгани бугунги кунда ҳаммага аён. Жиноятчилар қилмишларига яраша жазоларини олишди, аммо уларнинг менга нисбатан тутган ноҳақликлари ҳали-ҳануз қалбимни зирқиратади. — Муҳаммаджон бу сўзларни ички бир дард билан куйиниб айтди.

* * *

. Тақдир унга болалигини кўп кўрди. У бошқа жўралари сингари ёзнинг жазирамасида мавжланиб оқаётган дарёларда қулоч отиб сузмади, армиядан қайтган дўстларига турфа гуллар ила пешвоз чиқолмади. Бинобарин, унинг шодон кунлари бошқа тенгқурлари сингари қирадирларда, лолазор даштларда эмас, балки турли хил дори-дармонларнинг қўланса ҳиди анқиган диққинафас палаталарда ўтди. Муҳаммаджон айни ўйнаб-куладиган палласида ҳаётнинг бешафқат зарбасига учраб жўшқин ҳаёт неъматларидан, ёру дўстлари, гулу гулзорлардан бебаҳра қолди. Тоғай ота, Маъмура опа қариганимда кўзимга нур, белимга қувват бўлади деб юрган норғул ўғил пахта дея бир умрга тўшакка михланиб қолди. Жон ришталари шу даражада мустаҳкам йигит 8 марта оғир операцияга бардош бериб яшаш учун курашди. Яхши одамлар кўмагида кечки ёшлар мактабини тугатди. Бухоро Давлат педагогика институтининг тил ва адабиёт қуллиётига сиртдан ўқишга кирди. Армонли орзулари ушалгандек бўлди. Бироқ III курсдан ногирон йигитни институтдан четлаштиришди...

— Комсомолдагилардан, институт ректоридан жуда ҳафаман, — дейди Муҳаммаджон афсус-надомат билан. — Мен улардан ҳайр-эҳсон эмас, инсоф-диёнат кутаяпман. Ҳеч бўлмаса ўқишимни тиклашга ёрдам беришса дейман. Ҳар куни, айниқса байрам кунларида мени эслаб, сўроқлаб келишармикан, деб эшикка орзиқиб термуламан. Ахир, мен ҳам комсомол аъзоси, толиби илм эдим-ку! Бошимга дарднинг қояси қуламаганда комсомол ишларига камарбаста бўлар эдим. Одамзоднинг қадр-қиммати ана шундай оғир дамларда билинар экан.

Йигитнинг кейинги сўзлари ўйлантириб қўйди. Наҳотки турли миллат ва элатга мансуб, 9890 нафар ёшларни ўз сафига бирлаштирган ноҳия комсомол қўмитасида касалманд йигитнинг кўнглини сўровчи, унга руҳан мадад берувчи одам топилмаса? Ваҳоланки, Муҳаммаджон қайта қуришнинг ҳақиқий жонкуяри сифатида қўшиб ёзишлар, халқни, давлатни алдовчиларга қарши дадил курашди-ку?! Шуларнинг ўзиёқ эътиборга лойиқ ибратли иш эмасми?!

Кейинги маълумотларга қараганда шу кеча-кундузда жумҳуриятимизда 30 минг меҳнат ва туғма ногиронлар, 11 минг меҳнатга лаёқатсиз кишилар жуда оғир моддий шароитда яшашар экан. Шуларнинг бири М. Шароповдир. Ана шундай дили доғли, кўнгли ўксик ногиронларга эътиборсизлик, бу ўта инсофсизликдир! Шуни унутмаслигимиз керакки, инсонга қилинган ҳар бир яхшилик ҳам, қалбига етказилган заррача ёмонлик ҳам изсиз қолмайди. Бинобарин, йиқилганни суяш, унга ёрдам бериш ҳар биримизнинг бурчимиз, инсоний таомилимиз-ку?!


Ҳ. Олимжон номидаги мукофот лауреати, марҳум шоир Тошпўлат Ҳамид назари тушиб, ижодига чексиз ҳурмат ва эҳтиром, ишонч билдирган, ўзининг мақола-шеърлари билан радио-телевидениеда, матбуотда мунтазам қатнашиб турган ёш ижодкор М. Шароповни ноҳия комсомол қўмитасидагилар йўқлаб, руҳий далда берсалар дейман.

Қолаверса, унинг номи шеърият мухлисларига анчадан буён таниш, газетхонларни хушнуд этган ашъорлари талайгина. Шундай бўлса-да, унинг кўпгина шеърлари ноҳия, вилоят газеталари саҳифаларини «кўрмай» қолмоқда.

Сўзимнинг дебочасини Муҳаммад Шароповнинг аянчли қисматига дахлдор воқеалар билан бошлаган эдим, хотимасини эса унинг шеъридаги мисрлари билан якунламоқчиман:

Дил уйим дўст меҳрисиз ҳаргиз
чароғон бўлмаган,
Янграса кулгиси, бас, ғам ҳатто
меҳмон бўлмаган.
Хаста одам қалбига нур солсангиз
— Сиз бахтлисиз,
Бир ширин сўздек шифобахш
дори-дармон бўлмаган.

Рашид АСЛОНОВ,
СССР Журналистлар уюшмаси аъзоси.



21 ФЕВРАЛЬ — ЧОРШАНБА

● ЎзТВ I

11.30 «Қувноқ камалак». Болалар учун фильм-концерт. 12.00 «Ҳа, бўлади». Телефильм. 12.30 «Болалар фронтга кетишяпти». Бадиий фильм (Одесса киностудияси).

* * *

16.55 «Келажак тарихи». Ҳужжатли фильм. 17.30 Кўрсатувлар программаси. 17.35 «Сенинг тақдиринг». Йўлдош Охунбобоев номли жумҳурият Ёш томошабинлар театрининг спектакли. 18.45 «Паррандачилик: тажриба ва муаммолар». 19.15 «Қонунчиликда янгилик». 19.30 «Аҳборот» (рус тилида). 19.50 «Тилга эътибор...». 20.30 «Аҳборот». 20.50 Ўзбекистон Давлат телерадиоси халқ чолғу оркестрининг концерти. 21.30 Москва. «Вақт». 22.00 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». 23.05 «Қиёмат қарз». Бадиий фильм («Ўзбекфильм»). 00.20 Кўрсатувлар программаси.

● ЎзТВ II

19.00 Шарқона яккама-якка олишув турлари. «Таэквон до» (рус тилида). 19.30 «042 қаерда?». Бадиий фильм (А. Довженко номли киностудия). 20.45 Реклама. 20.55 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Бир кеча хроникаси» (рус тилида).

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

21.30 Москва. «Вақт». 22.00 «Етти офат». Бадиий фильм (рус тилида).

● МТ I

7.00 «120 минут». 9.05 «Чолғучилар мусиқа ҳақида». 9.50 «Қуёшли шамол». Олти серияли телевизион бадиий фильм. 1-боб — «Иркутскка сафар». 10.55 «Жар ёқасида». Телевизион ҳужжатли фильм. Ўзбекистонда чорвачиликни ривожлантириш муаммолари ҳақида (Тошкент). 11.25 «Камалак». Халқ ижодиёти телепрограммаларининг VIII Халқаро фестивали. Тунисның мусиқий фольклори. 12.00 «Дунё бўйлаб». Альманах. 13.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати.

* * *

16.00 «Қалбимда Ватан». Г. Шойдакбаева концерти. Улан-Удэдан кўрсатилади. 16.30 «Шарқий Сибирь». Киножурнал. 16.40 «Мусиқий хазина». Л. В. Бетховен. 7-симфония. СССР Давлат телерадиосининг Катта симфоник оркестри чалади. Дирижер — Г. Нойхольд (Австрия). 17.25 Болалар соати (инглиз тили дарси билан). 18.25 Ҳаракат хавфсизлиги учун. 18.55 «Коллаж» (реклама, эълонлар, аҳборот). 19.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 19.30 Ёшлар хабарномаси. 20.15 «Резонанс». 21.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 22.00 Долзарб интервью. 22.10 «Қуёшли шамол». Олти серияли телевизион бадиий фильм. 2-боб — «Уйга қайтиш». 23.15 Халқ куйлари. 23.30 «Муқаддас ерда тинчлик учун». Телевизион ҳужжатли фильм.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.

Ўқув программаси

9.15 «Лойдан ясалган бир ҳарф билан». Илмий-оммабоп фильм премьераси. 9.35, 10.35 Табиатшунослик. 3-синф. Ҳар ким ўз ҳолича қишлайди. 10.05 Немис тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун. 11.05 Немис тили. 2-йил шуғуланаётганлар учун. 11.35, 12.35 Физика. 7-синф. Архимед кучи. 12.05 «Мен ўз қанотларимда парвоз этаман». Илмий-оммабоп фильм. 13.05 Такрорий телефильмлар сеанси. «Сарсонлик-саргардонликда». 13-серия.

* * *

17.30 Телевизион ҳужжатли фильмлар: «Самарага оқиб ўтадиган жойда...», «Австралияга қачон пиёда бориб келиш мумкин бўлиди». 18.15 Вутунроссия ва Вутуниттифоқ конкурсларининг лауреати Валерий Загигин чалади (балалайка). 18.25 «Фантадром»-3. Енгин». Мультфильм. 18.40 «Сирли сайёҳ». Телевизион ҳужжатли фильм. 3-фильм. 19.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан). 19.30 СССР Олий Совети сессиясида. Танаффус пайтида (20.30) — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Биргалашиб қурилган уй». Мультфильм.

ЁШ ЛЕНИНЧИ
«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издается на узбекском языке.
МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ
ТЕЛЕФОНЛАР: ҚАБУЛХОНА 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ 32-54-65
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ
ИНДЕКС: 64607

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил байроқ орденли босмахонаси.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Р — 03115
Д. — 23183.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.